Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

47 ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 281 (13.237).
1 ДЕКАБРЬ 1965 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

РЕМОНТ СИФАТИ ОШМОҚДА

Хоразм областининг юксак даражада интенсив пахтачилиги қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини ташкил қилишни такомиллаштиришни талаб этди. Шу сабабли Хоразм область партия комитети техника ремонтини ихтисослаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Энди «Узсельхозтехника» Хива бирлашмасининг устахоналари ҳайдов тракторларини, Янгибозор бирлашмасининг устахоналари чопиқ машиналарини, Қўшкўпир бирлашмасининг устахоналари эса транспорт тракторларини ремонт қиладиган бўлади. «Узсельхозтехника»нинг бошқа район бўлимлари гидроподъём системаларини, аккумуляторларнинг электр ускуналарини тиклаш ишлари билан шуғулланади.

Устахоналарнинг ихтисослаштирилиши техникани янгилаш муддатларини анча қисқартиради, ремонт сифатини оширади ва таннархини камайтиради.

Атоқли механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Тюпко бу йил баҳорда Янгийўл районидаги Калинин номли ва «Интернационал» колхозларида еттита комплекс-механизациялашган пахтачилик звеноларини ташкил этган эди. Ана шу звеноларнинг коллективлари пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳосилнинг ҳаммаси машиналар билан териб олинди. Ҳар бир механизатор ўз агрегати бункеридан 90-120 тоннадан пахта тўкди. Юқоридаги суратда «Интернационал» колхозининг ҳар гектар ердан пландаги 24,2 ўрнига 28 центнердан пахта етиштирган звено бошлиғи Абдурасул Қосимов. Пастдаги суратда эса, атоқли механизатор В. А. Тюпко (ўртада) Калинин номли колхознинг ерларини ғўзапоядан тозалаётган механизаторлари И. Рустамов ва Х. Мухтазов ўртоқлар билан суҳбатлашмоқда.

Қ. Розиқов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

БУХОРО ГАЗИ ЖАМБУЛ ГРЭСИГА

Бухоро гази Қозоғистондаги янги энергогигант — Жамбул ГРЭСига ёқилғи бўлиб хизмат қилади. «Теплоэлектропроект» институтининг Ўрта Осиё бўлими ана шу станциянинг қувватини 1,2 миллион киловаттгача кўпайтириш юзасидан лойиҳа топшириғини бажарди.

Тошкентлик инженерлар ГРЭСга ҳар бирининг қуввати 200 минг киловатт бўлган олтита турбогенератор ва соатига 640 тонна буғ ҳосил қиладиган қозон агрегатлари ўрнатишни кўзда тутмоқдалар. Бу станция бир йилда қарийб 7 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқара олади.

Станциянинг қуввати 600 минг киловаттли биринчи навбати ҳозирдаёқ қурилмоқда. ГРЭСнинг биринчи энергоблокини 1967 йилда ишга тушириш кўзда тутилади.

Жамбул ГРЭСининг энергияси Қоратов фосфоритларини қайта ишлаш, Жанубий Қозоғистоннинг химия, металлургия саноатини ва саноатнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун сарфланади.

500 минг вольт қувватли электр узатиш линияси станцияни Ўрта Осиёнинг бирлашган энергосистемасига улайди. (ЎзТАГ).

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

ЕРЕВАНДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

ЕРЕВАН, 29 ноябрь. **(ТАСС мухбири).** Арманистонда совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг 45 йиллигига бағишланиб бугун Ереванда тантанали мажлис бўлиб ўтди.

Тантанали мажлисни Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Н. Заробян очди.

Арманистон ССР Министрлар Советининг Раиси А. Е. Кочинян «Совет Арманистонининг 45 йиллиги» тўғрисида доклад қилди.

□

БУТУНИТТИФОҚ «БИЛИМ» ЖАМИЯТИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПЛЕНУМИ

МОСКВА, 29 ноябрда Москвада Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениесининг пленуми ўз ишини бошлади. Пленум қатнашчилари КПССнинг бўлажак XXIII съезди муносабати билан жамият ташкилотларининг иши тўғрисидаги масалани муҳокама қиладилар.

Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари, фалсафа фанлари кандидати В. Н. Снастин доклад қилди.

□

БУЮК БРИТАНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Буюк Британия ташқи ишлар министри Майкл Стюарт рафиқаси билан 29 ноябрда Москвага расмий визит билан келди. (ТАСС).

□

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Кўп йиллардан буён ишлаб келаётганлиги ва Ўзбекистон энергосистемасидаги Чирчиқ ГЭСлари каскади ишга туширилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ каскад ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ЯКУНЛАР ва РЕЖАЛАР

Сўз — машъалларимизга

Пахтачиликда йилнинг тўрт фасли ҳам муҳим, ҳал қилувчи давр ҳисобланади. Энг аввало ерни кузда сифатли ҳайдаш, ҳар бир далани об-тобида шудгорлаб қўйиш — юқори ҳосилга биринчи заминдир. Чуқур ҳайдалган ер қишки қор-ёмғирдан кўп нам тўплайди. Тупроқдаги ҳар хил ҳашаротлар йўқолади, хас-хашаклар чириб, ернинг унумдорлиги ошади. Ҳайдаш олдидан солинган суперфосфат ўғити тупроққа яхши аралашиб, ерни семиртиради ва тупроқни донадор қилади. Аслида «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, кўз ҳайдамасанг юз ҳайда» деган мақолнинг маъноси ҳам ана шунда!

Биз ҳар йили ҳам ерни сифатли шудгорлашга кўпроқ эътибор берамиз. Мавжуд техникани ва минерал ўғитларни шудгорлаш олдидан тахт қилиб қўямиз. Ҳосил териб олингач, дарҳол шудгорни бошлаб юборамиз. Бирор пайкални ўғитсиз ҳайдашга йўл қўймаймиз. Ёзда тўпланган ва жамғарилган маҳаллий ҳамда минерал ўғитлар ҳар қайси бригаданинг ер майдонига қараб ўлчаб берилади. Уни ерга солиш устидан қатъий назорат ўрнатилади. Шудгор қилинган карталар тажрибакор ва кексалардан ташкил топган сифат комиссияси томонидан текшириб қабул қилиб олинади.

Қишки тадбирларни ҳам сифатли амалга оширамиз. Бульдозер ва грейдерлар билан паст-баланд участкалар яхшилаб текисланади. Ҳамма ерга яхоб берилади. Шўрхок ерлар кичик-кичик поллар олиниб, шўри ювилади.

Кейинги икки-уч йилдан бери ернинг талай қисмини бороналаш олдидан маҳаллий ўғит солиш усулини қўлланяпмиз. Чунки, бунда қиш бўйи шудгорда тўпланган нам сақланиб қолади. Махсус гўнгхоналарда чиритилган маҳаллий ўғит бороналаш билан бир йўла ерга солинганда, чигитни тез ундириб олишга, қатқалоққа қарши курашишда катта ёрдам бўлади.

Қудратли техниканинг кучига таяниб, чигит экишни агротехника жиҳатдан энг қулай муддатларда ўтказиб, йилдан-йил яхши натижаларга эришаётирмиз. Бу йил айниқса катта ғалабани қўлга киритдик. Экиш қисқа вақтда ўтказилди, ҳамма жойда ғўза туплари нормал қалинликда бўлиши таъминланди. Асосий майдонларда қатор оралари икки томонлама ишланиб, ғўзанинг ўсиши ва ҳосил тўплашида яхши натижага эришдик. Ғўза парвариши даврида культивация, суғориш ва озиқлантириш сифатли ўтказилиб, ортиқча ишлар ва харажатлар бўлмади. Ҳосил етилгунча ғўза қатор оралари беш марта узунасига ва тўрт марта кўндалангига культивация қилинди. Уч бор озиқлантирилди. Парвариш цикллари қисқартирилиб, сифат ҳисобига анча маблағ тежаб қолинди.

Етиштирилган ҳосилни жадал суръатлар билан йиғиб-териб олишда колхозчилар ва механизаторлар зўр ташаббус кўрсатдилар. Йиллик пахта топшириш планини асосан бир ой ичида, 8 октябрдаёқ бажардик. Баъзи кунлари йиллик планнинг 4-5 проценти миқдорида пахта топширдик. Машинада пахта териш планини областда биринчи бўлиб адо этдик. Машинада ўтган йилдагидан қарийб 500 тонна кўп пахта териб олинди. Сайфулла Эшдавлатов, Умар Очилов, Раҳим Абдураҳмонов, Одилжон Қодиров ўртоқлар машина бункеридан 120 тонадан «оқ олтин» тўкдилар.

Бу кўрсаткичга эришишда терим олди тайёргарлик ишларини пухта уюштириш асосий омиллардан бири бўлди. Ҳосили машина теримига ажратилган участкалардаги ғўза барги сентябрдаёқ дорилаб бўлинди. Ғўза барги яхши тўкилгач, 15 сентябрдан бошлаб терим агрегатлари ишга тушиб кетди. Пайкалларда ишлаётган агрегатлар транспорт билан таъминланди. Машина бункеридан тележкаларга тўкилган пахта қабул пунктларига пешма-пеш жўнатиб турилди.

Машиналар ёрдами билан йиғим-терим суръати кун сайин жадаллаштирилди. Қўшимча мажбуриятни ҳам ошириб бажардик, давлатга 3500 тонна пахта етказиб бердик. Пахтанинг 98 проценти биринчи сортга топширилди, шу ҳисобнинг ўзидан 95 минг сўм қўшимча даромад қилдик. Бундан ташқари машинада 1200 тонна пахта терилиб, қўлда терилганига нисбатан 44 минг сўм маблағ тежалди.

Колхоздаги 10 та пахтачилик бригадасининг ҳаммаси планни тўла ва ошириб адо этди. Муҳиддин Нормуродов, Бўтабой Халилов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар гектардан 24 центнер ўрнига 35 центнердан пахта ҳосили олдилар. Комплекс механизациялаштирилган Облоқул Тошев бошлиқ бригада 151 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан пахта топширди. Бригада механизаторлари оз меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўп пахта етиштирдилар, ҳосилнинг 85 проценти машинада териб олинди. Колхозимиз бўйича ҳар центнер пахта етиштиришга бултурги 25 сўм 10 тийин ўрнига 20 сўм сарфланди.

Колхозимизда ўтган йили 1180 гектар ернинг ҳар гектаридан 26,1 центнердан пахта ҳосили олинган эди. Агротехника тадбирлари изчиллик билан амалга оширилгани, ички имконият ва резервлардан баракали фойдаланилгани туфайли бу йил кенг майдонларда мўл ҳосил етиштирилишига эришилди. Ҳозиргача ҳар гектаридан 30 центнердан ортиқ хирмон кўтардик. Ялпи пахта етиштиришни кўпайтириб, сортини яхшилаб, ундан келадиган даромадни оширдик. Ишлаб чиқариш планида кўрсатилишича, пахтадан 1101,6 минг сўм даромад қилишимиз керак эди. Амалда 1579 минг сўм бўлди. Иттифоқ ҳукуматининг шу йил 5 август қарорига кўра пахта сортини яхшилаганимиз эвазига қўшимча 202 минг сўм даромад қилдик. Пиллачиликдан 47455 сўм ўрнига 54464 сўм даромад қилишга муваффақ бўлдик. Гўшт ва сут сотишдан ҳам ҳар йилдагидан кўпроқ даромад келди.

Моддий манфаатдорлик — меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот етиштириш миқдорини кўпайтиришнинг асосий омилларидан бири эканлигини колхозчиларимиз ҳам, механизаторларимиз ҳам жуда яхши билишади. Ҳар бир бригада аъзоси, механизатор қанча унумли ишласа, шунча кўп ҳақ олади. Биз йил бошидан бери колхозчиларнинг меҳнат кунларига мунтазам равишда аванс бериб бордик. Нормани ошириб бажарган колхозчиларга ва механизаторларга уларнинг иш кунларига муттасил қўшимча ҳақ тўлаб турилди. Бу тартибдан колхозчилар катта манфаат кўрдилар. Техника ихлосмандлари — механизаторларимиз машиналар кучидан унумли фойдаландилар.

Мана шулар ҳисобига ҳар иш кунининг қиймати ошди. План бўйича ҳар иш кунига 2 сўму 88 тийиндан тушиши белгиланган эди. Бунинг ўрнига 5 сўм 40 тийиндан тушди. Кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўп пахта етиштирган О. Тошев бошлиқ бригадада ҳар иш кунининг қиймати 6 сўм бўляпти.

Машиналар шарофати туфайли пахтадан мўл ҳосил етиштириб, фаровон ҳаёт кечираётган колхозчиларимиз келгуси йил ҳосилига мустаҳкам замин яратиш учун қатор тадбирларни амалга оширяптилар. Ғўзапоядан бўшаган ерлар 30-32 сантиметр чуқурликда шудгор қилинмоқда. Ҳар бир бригадада дала ишлари конвейер усулида олиб борияпти. Ҳозир бир неча юз гектар ер шудгорланди.

А. ОЛЛОЁРОВ,
Нарпай районидаги «Самарқанд» колхозининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ЗАФАР САТРЛАРИ

Узбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 6- қурилиш тресги ўн бир ойлик планни муддатидан олдин бажарди.

КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилган илғор коллективлар — 704-УНР, 8- қурилиш-монтаж бошқармаси, темир-бетон буюмлар ишлаб чиқарувчи заводлар ва бошқа корхоналар 1965 йилги қурилиш-монтаж ишларининг топшириқларини бажарганликлари ҳақида ҳозирдаёқ рапорт бердилар. Трестга қарашли 8 та қурилиш ва саноат ташкилотидан ярми келгуси йил ҳисобига ишламоқда.

6- трестнинг бинокорлари ва монтажчилари, инженерлари ва техниклари ҳозир ўзларининг бутун куч-ғайратларини халқ хўжалик планида кўзда тутилган барча объектларни тезда фойдаланишга топширишга сарфламоқдалар.

(ЎзТАГ).

●

НУКУС, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қорақалпоғистон Автоном республикаси шоликорлари она-Ватан хазинасига 24540 тонна шоли топшириб, планни ошириб адо этдилар. Давлатга ўтган йилдагидан бир неча минг тонна кўп шоли етказиб берилди. Янгидан ўзлаштирилган ерларда шоли етиштираётган «Советская Каракалпакия» колхози аъзолари ўтган йилдагидан икки баравар кўп, яъни 15.000 центнер шоли етиштирдилар. Хўжаликда 700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан зиёд ҳосил олинди. Чапаев номли, «Қораўзак» совхозларида ҳосилдорлик 25 центнердан га тўғри келди.

●

Шоили партиямизнинг XXIII съездини ажойиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашаётган Жиззах райони меҳнаткашлари давлатга 19 минг 5 центнер сут сотиб, йиллик планни муддатидан илгари анча ошириб бажардилар.

Районда сут топшириш йиллик планининг барвақт адо этилишига Жданов номли, Энгельс номли, «Москва», «Зарафшон» колхозларининг чорвадорлари катта ҳисса қўшдилар.

Сиз бу суратда кўриб турган Санобар Хўжаеванинг расми «Нарпай» совхозининг Ҳурмат тахтасига қўйилган. Чунки у ҳалол ва фидокорона меҳнати билан совхоз чорвадорларига яхши намуна кўрсатяпти. КПСС XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган Санобар ўзига бириктиб қўйилган сигирларнинг ҳар биридан ҳозирнинг ўзидаёқ қарийб 1.900 литрдан сут соғиб олди.

А. Усмонов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТУНДА

РЕПОРТАЖ

Ҳамма уйқуда. Мусаффо тун сукунатини наъра тортиб ер ҳайдаётган тракторлар овозигина бузиб турибди. Бу овоз икки кун бўлдики, далалар бўйлаб акс-садо бермоқда. Кишини беихтиёр ҳаяжонлантириб, ўзига тортади.

Уйқусини бедор ўтказиб, тун қўйнида ер ҳайдаётган азаматларни билмоқ учун далага отландим.

Далалар ястаниб ётибди. Ташлаган уруғингни дур қилиб пиширган олтин қозон десаммикин, бу тупроқни! Ширин-шакар қовунидан тортиб, пичоқ тортсанг ҳақиқдек бағрини кўрсатадиган тарвузларигача, ҳамма-ҳаммаси шу саxий ер неъмати эканини бир лаҳза эсладим...

Соат бирлар чамаси. Сайёралар аллақачон фазо пештоқига чиқиб олиб, кўз қисишяпти. Ҳавонинг тафти паст бўлишига қарамай, ҳозиргина шудгорланган ерлардан ҳовур кўтарилмоқда. Саккиз гектарли чамаси пайкал охиридан 2 та «ДТ-54» трактори бурилди. Тракторлар манглайидаги икки жуфт фара узоқдан оловдек кўзга ташланади. Яқинлашган сари нури равшанлашиб, гоҳ пайкал четидаги дарахтларнинг учларида, гоҳо баланд-пастликларда жилваланиб ўйнайди.

Тракторлар мен томонга яқинлашган сари ҳаяжонланганимданми, негадир юрагим қаттиқроқ тепар, эртаклардаги баҳодирлар, ажойиботлар оламида юргандек ҳис қилардим ўзимни.

Иккала трактор ёнма-ён келиб, ҳу нарида тўхтади. Моторлар овози бир оз пасайгандек бўлди. Трактор кабинасидан икки навқирон йигит тушди. Менинг тун кечада нима иш билан юрганимни билмаганлариданми, бир оз ҳаяжонланиб, бир-бирларига қараб олишди. Коржомаларининг чўнтагидан портсигар олиб папирос тутатишди. Уларга яқинроқ бориб саломлашдим.

— Рашид Охунов, — ўзини таништди ўртаёш йигит. — Бу киши — ҳамкасбим Зокир Рихсиев, — деди шеригининг елкасига кафти билан уриб қўяркан. Шундай йигитлар билан ҳамроҳ бўлсанг, юкинг ерда қолмайди.

Икки баҳодир йигит билан бир пас суҳбатлашдим. Рашид ака 10 йилдан бери шу колхозда тракторчилик қилар экан. Мана энди ёшларга устоз. У билан ёнма-ён ишлаётган йигит — Зокир ўнинчи синфни битирди-ю, Вревскдаги механизаторлар курсига ўқишга кетди. Бунга ҳадемай беш йил бўлади. Мана беш йилдирки, у колхозчиларнинг оғирини енгил қилмоқда.

Суҳбатимиз энди қизиган ҳам эдики, пайкал четидаги катта кўчадан машина чироғи кўринди.

— Овқат келяпти, — кулди Рашид машинага ишора қиларкан. Тунда ишлаётганларни унутишмайди. Ҳар куни ана шундай ғамхўрлик қилиб туришади.

Ошпаз Қулмуҳаммад Неъматов машинадан тушиб, майса устига рўмолчасини ёзди. Яқиндагина сузилган, дами чиқиб улгурмаган ошни дастурхонга қўйди. Нон ушатди.

— Қани марҳамат, тун баҳодирлари, — Қулмуҳаммад енгил кулиб, кафтларини ишқалади.

... Моторлар овози яна зим-зиё тун қўйнида ажойиб жозиба касб этиб гуруллади. Қанча-қанча пайкаллар тўши ағдарилиб, қиш қўрпасига кириб, куч тўплайди. Бу — келгуси йил ғами, ташвиши. Мўл ҳосил орзуси.

Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози бу йил мўл сабзавот ҳосили етиштириб, оширилган мажбуриятини ҳам барвақт бажарди. Эндиги куч шудгорлашга қаратилган. Колхозда сабзавотдан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгорланиб, ҳозиргача 500 гектардан ортиқроқ ер сифатли ҳайдаб қўйилди.

... Тоғ чўққилари ортидан тонг бўзариб келяпти. Механизаторлар Рашид Охунов, Зокир Рихсиев ўз тракторларини яна далага буриб, ер ҳайдашади. Икки азамат шу кеча ҳайдаган ер 12 гектардан ошиб кетди.

Оппоқ тонг. Ҳамон олислардан дилрабо қўшиқдек жаранглаётган мотор овозлари янграйди. Шунда кимдир: яшанг, тун баҳодирлари! деяётгандек туюлди.

П. НИШОНОВ,
Тошкент области.

МОСКВА—ПАРИЖ КОСМИК ТЕЛЕКЎПРИГИ

МОСКВА, 29 ноябрь. **(ТАСС мухбири).** Бир қанча техника синовлари ўтказилгандан сўнг бугун кундузи совет алоқа сунъий йўлдоши — «Молния-1» орқали французларнинг «Секам» системасидан фойдаланиб, Москвадан Парижга рангли телевидение программасининг биринчи эшиттириши берилди.

ТАСС мухбирлари Николай Железнов билан Александр Осипов шу вақт марказий телевидение студиясидан қуйидаги хабарни беришди:

Бир неча телевизор экранларида камалакнинг бир хил тасвири кўриниб турди. Оператор аппаратларни ишга солиши биланоқ, рангли текис чизиқлар қизнинг рангли тасвирига айланади. Бу — Москва радиосининг диктори Ольга Мейендорф эди. У, француз томошабинларига биринчи бўлиб табассум қилди ва Москва — Париж телевизион космик кўприги очилганлиги билан уларни қутлади.

Бу қизнинг тасвири французларнинг экранларида пайдо бўлишидан аввал космос орқали 80 минг километрдан ортиқ йўлни босиб ўтди. Эшиттириш Москва телевидение марказидан берилди. «Молния-1» йўлдоши ичидаги системалар томонидан ретрансляция қилинди, сўнгра эса уни Франция радио станциялари қабул қилди.

Москва телемарказини Париж билан боғловчи бевосита аппарат олдида мутахассислар тўпланишди. Шу дақиқаларда Франция пойтахти телемарказида турган совет инженеридан «Сигналлар қандай етиб боряпти?» деб сўралди.

— Ҳаммаси кўнгилдагидек. Тасвир ва овознинг сифати жуда яхши! — деб жавоб беради Париж.

Франция мутахассислари москвалик ҳамкасбларига ўз кутловларини топширишни сўрайдилар: «Молния-1» яна бир жиддий синовдан ўтди — космос орқали берилган рангли телевидение сеанси муваффақиятли бўлди.

55 минутлик эшиттириш «Бир жиноят тарихи» деган совет мультипликация фильмини кўрсатиш билан бошланди. Ф. Хитрук яратган бу мароқли фильм парижликларга манзур бўлди. Франция телемаркази билан алоқа қилиб турган навбатчи оператор: «Париж студиясидагиларнинг ҳаммаси қаҳ-қаҳлаб кулишяпти», деб бир неча марта хабар қилди.

Программага болалар ўйинчоқлари тўғрисидаги сюжет билан француз тасвирий фильми ҳам киритилган эди.

Рангли телевидение соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Совет — Франция битимига мувофиқ «Молния-1» алоқа йўлдоши орқали сеанс тайёрлаган мутахассислар синов тариқасида ўтказилган эшиттиришларнинг сифати юксак бўлганлигини таъкидламоқдалар. Уларнинг фикрича, космос орқали Москва билан Париж ўртасида рангли телевидение программаларини мунтазам суратда айирбошлаб туришга ўтиш учун реал имконият вужудга келди.

ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

БЕРУНИЙ. [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. Қорақалпоғистон Автоном республикасининг меҳнаткашлари Нукус—Беруний—Тўрткўл йўли қурилишини бошлаб юбордилар.

Узоқ йўллар яқин бўлмоқда. Нукус—Беруний—Тўрткўл оралиғидаги йўл текисланиб, 161 километр узунликда янги йўл барпо қилинмоқда. Тупроқ ишларини бажаришда Автоном республикадаги ҳар бир райондан 60-70 тадан машина-механизм сафарбар этилган. Фақат Беруний райони трассасида 75-80 та бульдозер ва скрейпер тинимсиз ишлаб турибди.

Трассадаги деярли ҳамма ишлар машиналар ёрдами билан бажарилмоқда. Беруний номли совхоз механизаторлари 15 минг кубометр, «Коммуна» колхози 13 минг кубометр, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхози механизаторлари 12,5 минг кубометрлик тупроқ ишларини 3-4 кунда бажариб қўйдилар. Райондаги 9 километр йўлнинг 135 минг кубометр ҳажмдаги тупроқ ишлари қўлдан чиқарилди. Ҳозир бу йўлга тош тўкиш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Ундан сўнг асфальт ётқизилади. Йўл қурилишида Хўжайли, Кегайли, Чимбой районларининг қурувчилари алоҳида жонбозлик кўрсатаётирлар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ЖУРНАЛХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Марғилон шаҳрида «Совет мактаби» журналхонларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияга шаҳардаги мактабларнинг ўқитувчилари ва мактабгача тарбия муассасаларининг ходимлари қатнашди. «Совет мактаби» журналининг редактори, филология фанлари кандидати Абдулла Суюмов журналнинг шу йилги иши ва 1966 йилги режалари ҳақида батафсил гапирди.

Конференцияда 4-мактаб ўқитувчиси Самиева, педагогика билим юртининг студенткаси Охунова, шаҳар физика-математика ўқитувчилари секциясининг раҳбари Латипов, 3-мактабнинг география ўқитувчиси Абдуллажонов, 7-мактабнинг химия-биология ўқитувчиси Обидов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, анчагина қимматли фикрларни билдирдилар.

Т. МАҲМУДОВ.

Хатлардан сатрлар

АНДИЖОН. Ленин районидаги Куйбишев номли колхозда 500 кишилик клуб ва янги магазин, шунингдек, Жамашўй қишлоғида 2 та озиқ-овқат магазини ишга туширилди.

О. САРИҚУЛОВ,
С. ДЕҲҚОНОВ.

* * *

СИРДАРЁ. Карл Маркс номли колхоз қишлоғи водопроводлаштирилди.

Э. РУЗИБОЕВ.

Сирдарё областидаги «Зарафшон» колхозидаги партия ўқуви тўгаракларн ва мактабларида машғулотлар қизиқарли ўтказилмоқда. Пропагандистлар ва тингловчилар машғулотларга тайёргарлик кўришда колхоз кутубхонасидаги адабиётлардан самарали фойдаланмоқдалар. Суратда кутубхона мудири О. Дўстмуродова ва марксизм-ленинизм асослари мактабининг тингловчиси Ҳ. Нуруллаев ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Горохрин фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ХУШХАБАРЛАР

ФАРҒОНА. Қўқон шаҳрида жамоатчилик асосида бир йиллик ёш рассомлар мактаби очилди. Мактабда 30 га яқин йигит-қиз таълим олмоқда.

Шунингдек, Давлат педагогика институти қошида икки йиллик ишчи-деҳқон мухбирлар университети ишлай бошлади. Биринчи машғулотда юздан ошиқ тингловчи «Совет матбуотининг ленинча принциплари», «КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми ва ишчи-деҳқон мухбирларининг вазифалари» деган темада лекциялар тингладилар.

А. ТОШПУЛАТОВ,
Ш. ИСМАТУЛЛАЕВ.

●

СИРДАРЁ. Янгиер районидаги «Коммунизм» колхозида 150 ўринли янги касалхона ишга туширилди.

А. МАМАТҚУЛОВ.

●

САМАРҚАНД. Иштихон район комсомол комитети ташаббуси билан Митан, Лойиш, Янгиқўрғон ва Шейх посёлкаларида жамоатчилик асосларида ишлайдиган пионер уйлари ташкил этилди.

АНДИЖОН. Задарё районидаги «Гулбоғ» кооперациясининг савдо ходимлари 11 ойлик планни муддатидан олдин бажариб, пландан ташқари 250 минг сўмлик савдо қилдилар.

Б. МАҲМУДОВ.

●

ХОРАЗМ. Ҳазорасп районидаги Ленин номли колхозда янги клуб ишга туширилди. Жданов номли колхозда ҳам 600 кишига мўлжалланган қишки клуб биноси колхозчиларга хизмат қилаётир.

Р. ЖУМАНАЗАРОВ.

ДЕҲҚОН ҚИЗИ

Қишлоқ коммунистлари ҳақида ҳикоялар

Партия бюросининг секретари Матлабой Иброҳимова одатдагидек қилинадиган ишларни ўйлаб ўтираркан, унинг ёнига бригадирлардан бири ҳовлиқиб кирди:

— Матлаб опа, колхозчилардан уч-тўрт киши ишга чиқмапти!

Чигит экишнинг энг долзарб кунларида бу кутилмаган ҳодиса эди.

— Нега? — сўради секретарь.

— Озондаёқ Бухорога кетиб қолишибди.

Бу хабар секретарни ўйлантириб қўйди. «Наҳотки партиявий ишнинг ана шу соҳасини унутиб қўйганмиз? Бунинг учун аввало мен айбдорман. Хўжалик билан кўп шуғулланамиз-у...».

— Нима қилай? Ҳаммасини қайтариб келайми? Ёки бирор...

— Йўқ, йўқ... Бошқачароқ иш кўрамиз...

Кечқурун колхоз коммунистларининг очиқ партия мажлиси чақирилди. Йиғилишга комсомоллар, колхоз активлари, ҳалиги «намозхонлар» чақирилди.

Мажлисда сўзга чиққанлар меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилган таклифларни ўртага ташладилар.

Очиқ партия йиғилишида колхозчилар ўртасида илмий-атеистик пропагандани кучайтириш керак деган фикрга келинди. Ўн бир кишидан иборат лекторлар группаси ташкил қилиниб, 78 агитаторнинг ҳар бирига 5-6 тадан хонадон бириктиб қўйилди. Атеистик темаларда кинофильмлар кўрсатиш, лекция, докладлар уюштириб туриш, «Мўъжизасиз мўъжизалар» кечалари ўтказиш тадбирлари белгиланди. Колхоз коммунистлари йиғилиш қарорларини амалга оширишга қунт билан киришдилар. Колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий, маданий-оқартув ишларини жонлантириб юбордилар. Дала шийпонлари, колхоз клуби ана шу ишларнинг марказига айлантирилди. Колхозда меҳнат интизоми мустаҳкамланди. «Намозхонлар»чи?

1964 йилда колхозда намозхонлар анча камайди. Улар диннинг афюнлигини тушунишди, колхозда меҳнат унумдорлиги ошди.

... Матлаб опа дала кезиб юрганида колхозчи қизлардан бири — Зуҳра Н. билан учрашиб қолди. Йиғидан кўзлари шишиб кетган қиз:

— Опажон, опажон... ёрдам беринг... — деди-ю бўғилиб қолди.

— Нима бўлди, Зуҳрахон? — сўради секретарь.

— Мен... биз... бир-биримизни севамиз. Мен Бахшиллони, у...

— Жуда яхши! Тўй қиламиз...

— Кошкийди... Ота-онам ундан... ундан қалин сўрашяпти.

— Шунақа де... Майли... Гаплашамиз, — деди секретарь.

Кечқурун Матлабой колхоз хотин-қизлар Советининг раиси Саида Жумаева билан Зуҳраларникига боришди. Чоли-кампир билан анча суҳбатлашдилар. Лекин суҳбат натижа бермади. Улар: «Якка-ю-ягона қизимиз бор. Орзу-умидлар билан вояга етказдик. Урфу-одатларимиз билан тўй қилмоқчимиз», дейишди.

Матлабой билан Саидахон бир неча бор Зуҳраларникига қатнаб, унинг ота-онасини янгича тўй қилишга кўндиришди.

... Колхоз клубида катта тантана. Ўнлаб столларга оппоқ дастурхон ёпилган. Бу тантананинг «айбдорлари» Зуҳра билан Бахшилло. Ҳамма икки ёшни табриклашди. Уйин-кулги. Тўй охирида Матлабой Иброҳимова колхоз правлениеси, партия ташкилоти ва комсомол ташкилоти номидан келиннинг қўлига улар учун қурилган янги уйнинг калитини тутқазди. Уй зарур нарсалар билан жиҳозланган. Буни кўрган Зуҳранинг ота-онаси севинч билан пичирлашиб қолишди.

— Қизил тўйнинг бунақа бўлишини қаердан билардик. Раҳмат, қизимизнинг сепини колхознинг ўзи ҳозирлапти...

Зуҳранинг тўйи, бошқаларга ўрнак бўлди. Қарийб бир йилда колхозда 20 та комсомол тўйи ўтказилгани қувончлидир. Колхозчи Зуҳра Нормуродова билан студент Бахшилло Ражабов, колхозчи Тошбиби Тўйлиева билан Субхон Каримов, гидротехник Мурод Ҳожиев билан колхозчи қиз Шабанойларнинг янгича тўйлари ҳам зўр тантана билан ўтказилди. Эндиликда колхозда комсомол тўйлари, оила шодиёналари ўтказиш учун Бахт уйи қурилмоқда.

Деҳқон қизи Матлабой болалигидан жуда оғир, аммо шарафли касб — пахтакорлик касбини севиб қолган эди. Мактабда ўқиб юрган вақтларида дарсдан бўшадими, далага чиқиб кетарди. Колхозчиларга чигит экиш, ўстиришда ёрдам берарди. Мактабни тугатган Матлабойни звено бошлиғи қилиб тайинлайдилар. Орадан бир йил ўтгач, бригадага бошлиқ бўлди. Сўнгра Самарқандда ўқиб, ўжонажон колхозига агроном бўлиб қайтди.

«Правда» колхози Бухоро районида энг қолоқ хўжаликлардан бири ҳисобланар, меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилмаган, ҳосилдорлик жуда кам бўлиб, гектаридан атиги 14-15 центнердан пахта олинарди.

Колхоз экономикасини кўтариш учун илғор агротехникадан дадил фойдаланиш, механизацияни кенг жорий қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш лозим эканлигини биларди у.

— Ражаб ака, — коммунистлардан бирига мурожаат қилди Матлабой,— сиз техникани яхши биласиз. Сизнинг раҳбарлигингизда комплекс механизациялаштирилган бригада тузсак, қандай бўлади?

— Билмасам. Ўйлаб кўриш керак... — жавоб қайтарди Ражаббой ака. Орадан икки-уч кун ўтгач, розилик билдирди.

Ана шундай қилиб колхозда комплекс механизациялаштирилган биринчи бригада ташкил қилинди. Бу бригадага коммунист Ражаб Рустамов бошлиқ қилиб тайинланди. Кейинчалик механизациялаштирилган звено, бригадалар тобора кўпайди.

Кадрларни тайёрлаш, уларни ўқитиш, тарбиялаш, уларга доим ғамхўрлик қилиш колхоз партия ташкилоти бюросининг асосий иши бўлиб қолди.

Партия бюроси коммунистларнинг ишлаб чиқаришда авангардлик ролини оширишга катта аҳамият бермоқда. 126 коммунистдан 110 таси бевосита ишлаб чиқаришда банд.

Ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан коммунистлар барча колхозчиларга ўрнак бўлмоқдалар. КПСС аъзоси Ҳамро Расулев 10 тонна пахта териб топширди. Пилла топшириш планини ҳам ошиғи билан адо этди. Саида Сулаймонова эса мавсумда 15 тонна «оқ олтин» терди. Тўра Насриев, Тўра Муродов каби коммунистлар раҳбарлик қилаётган бригадалар ҳар гектар ердан 25-26 центнер пахта етиштиришга муваффақ бўлдилар. «Правда» колхозининг аъзолари бу йил планни 125 процент қилиб, районда биринчилар қаторида марраға етдилар. Колхоз коммунистларининг ажойиб ишларининг далили бўлган бундай рақам, фактларни кўплаб келтириш мумкин.

Партия бюросининг секретари Матлабой доимо халқ билан бирга. У кекса пахтакорлар, моҳир механизаторлар билан маслаҳатлашади, колхозчилар ҳаётини батафсил ўрганади.

* * *

Колхозда тўй кунлари... Ҳар бир бригадада пахта йиғим-теримининг муваффақиятли ўтказилганига бағишланган тантаналар.

Мен Матлабойни колхоз клуби ёнида учратиб қолдим.

— Шошяпмиз, кечирасиз,— деди у — колхозимизда тўй кўп. Мана бу азаматлар билан — у машиналарга ўтириб олган бир группа қиз-йигитларни кўрсатиб қўшимча қилди.

— Шаҳарга бораётирмиз. Театрга, «Гули сиёҳ»ни кўришга...

А. ФОЗИЛОВ.

КПСС МК сентябрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз

МУКАММАЛ ПРИНЦИП

Экономика ва маданиятимиз гуркираб ривожланмоқда, йилдан-йилга камол топмоқда. Етти йиллик мобайнида республикамизда 142 та йирик саноат корхонаси вужудга келтирилди. Саноат асосий ишлаб чиқариш фондлари икки ярим баравар ортди. Газ саноати, замонавий қурилиш индустрияси бунёд этилди. Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди.

Бироқ, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатлари ишлаб чиқариш фондларининг ўсиш суръатларидан орқада қолмоқда. Кейинги йилларда ҳар бир сўм ҳисобига ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулоти ва миллий даромад бирмунча камайди. Буни айниқса химия, қора металлургия, қурилиш материаллари саноати ва саноатнинг бошқа шу каби тармоқларида кўриш мумкин.

Саноатга территориал принцип асосида раҳбарлик қилиш турмушда ўзини оқлолмади. Ишга территориал принцип асосида раҳбарлик қилишнинг нималарга олиб келганлигини мана бу фактлар мисолида ҳам ёрқин тасаввур қилиш мумкин: Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари шу йил тўққиз ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини ошириб бажаргани ҳолда, буюмларнинг муҳим олтмиш бир хилини ишлаб чиқариш белгиланган бўлса, атиги 28 хилини тайёрлаш планинигина адо этдилар. Халқ хўжалигига минерал ўғит, кабеллар ва маданий-маиший эҳтиёжлар учун сарфланадиган бошқа маҳсулотлар анча кам етказиб берилди.

Бу маҳсулотларни хиллари бўйича эмас, умуман ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планларни бажаришга зўр берилганлиги оқибатидир. Республика саноатида асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш соҳасида муҳим камчиликлар рўй берди.

Саноатга территориал принцип асосида раҳбарлик қилиш ва бу соҳадаги йирик камчиликлар ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига, умуман социалистик экономиканинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. В. И. Ленин таълимотига амал қилган партиямиз индустрияни ривожлантириш соҳасидаги объектив аҳволни чуқур таҳлил қилди. Ишлаб чиқаришни юксалтириш соҳасидаги иқтисодий қонунларга суяниб, саноатга Халқ хўжалиги кенгашлари орқали раҳбарлик қилиш системаси коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдан иборат бош вазифани адо этиш талабларига жавоб беролмаслиги кўрсатиб берилди

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми социалистик экономикани ривожлантиришнинг мукаммал принципини ишлаб чиқди. Саноатга тармоқлар бўйича раҳбарлик қилишдан иборат истиқболли принципни жорий қилишнинг афзалликлари ҳар тарафлама асослаб берилди.

Эндиликда саноатга раҳбарлик иттифоқ-республика ва умумиттифоқ министрликлари йўли билан амалга оширилмоқда. Шу мақсадда планлаштиришнинг илмий даражасини ошириш бўйича ҳам муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди.

Министрликлар социализмнинг иқтисодий қонунлари асосида планлар тузишни қатъий йўлга қўядилар, ишлаб чиқариш ва техника сиёсати, моддий-техника таъминоти, меҳнат ва иш ҳақи масалаларини ҳал қилишда социализмнинг иқтисодий қонунларига амал қиладилар. Тармоқлар бўйича илмий текшириш институтлари ҳам министрликлар ихтиёридадир. Бошқаришнинг ва планлаштиришнинг янгича системаси корхоналарнинг ҳуқуқини оширибгина қолмай, план кўрсаткичлари сонини камайтиради, корхоналарни ривожлантириш учун зарур имкониятлар очиб берди. Шу тариқа корхоналаримиз ўз ишлаб чиқариш фондларидан яхшироқ фойдаланиш, рентабель ишлаш, фойда, нарх, мукофот, кредит каби иқтисодий воситалардан муваффақиятли фойдаланиш имкониятларига эга бўлди.

Барча совет кишилари партиямиз Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорида янги министрликларнинг асосий вазифа ва функциялари аниқ кўрсатиб берилди. Тармоқ министрликлари ўз соҳалари бўйича ишлаб чиқаришнинг штабига айланиб қолдилар. Улар қуйидагиларни бажаришга даъват этилганлар: халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжларини қондира оладиган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш: давлат план топшириқларини бажариш: капитал маблағлардан рационал фойдаланиш, уларнинг эффективлигини ошириш, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш ва қисқа вақт ичида ўзлаштириш; ишлаб чиқаришда ягона техника сиёсати ўтказиш ва ишлаб чиқаришнинг юқори техника-иқтисодий кўрсаткичларга эришувини таъминлаш, корхона ва ташкилотларни малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда улардан тўғри фойдаланиш, меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш тадбирларини амалга ошириш.

СССР министрликлари моддий-техника ресурсларининг эгаси сифатида ўз соҳалари бўйича ишлаб чиқаришга, шунингдек барча илмий текшириш, конструкторлик ва лойиҳалаш ташкилотлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар. Социалистик давлат ишлаб чиқариш корхонасининг Низоми тасдиқланди. У корхоналарнинг ишлаб чиқариш-оперативчилик ҳуқуқларини кенгайтиради, резервлардан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Саноатга тармоқ принципи бўйича раҳбарлик қилиш энг мукаммал ва истиқболли принципдир. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ю. ИСҲОҚОВ,
иқтисод фанлари доктори.
Л. СОБОЛЕВА,
Тошкент Политехника институтининг ўқитувчиси.

ТЕХНИКА ШАРОФАТИ

Фарғона гўшт комбинати республикамиздаги корхоналар даврасида энг йириги ҳисобланади. Комбинат бир неча вақтлардан буён топшириқларни муваффақиятли адо этиб келаётир. Бу ерда эски иш усулларидан воз кечилганлиги ва ишлаб чиқаришда янги техника, илғор технологияга амал қилинаётганлиги яхши натижалар бермоқда.

Ҳамма цехларда автомат қозонлардан кенг фойдаланиляпти. Асосий участкалардаги оғир ишларнинг 60 проценти автоматлаштирилган. Яқинда хом ёғни тўхтовсиз пишириб турадиган ва пневматик автомат усулида хом ашё етказиб берадиган учта вакуум аппарат қозон реконструкция қилинди. Бу тадбир эритилган ёғ ишлаб чиқаришни уч баравар кўпайтириш, икки тонна ўрнига 5-6 тонна ёғ ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Комбинатда рационализаторлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ижодкорлик ҳаракатини авж олдираётирлар. Кейинги ойлар ичида 30 га яқин янги таклиф ишлаб чиқаришга муваффақиятли жорий этилди. Натижада меҳнат унумдорлиги ортди, маҳсулот таннархи белгиланганидан 1,8 процент арзонлашди.

Директор Х. Отахўжаев раҳбарлигида бош инженер В. Каверьян, механик Б. Пятницкий, механика цехининг бир группа ишчилари ўзаро ҳамкорликда корхонани газлаштиришга оид муҳим тадбирни амалга оширдилар. Корхонадаги камералар, «зангори ёнилғи» ёрдамида ишлашга кўчирилди.

Техниканинг шарофати ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, маҳсулот тайёрлашни тезлаштиришга имкон беряпти. 11 ойлик план муддатидан илгари бажарилди.

Комбинатда гўшт маҳсулотларининг 60 хили тайёрланмоқда. Фақат колбасанинг ўзидан 35 хили ишлаб чиқариляпти. Илгари колбасани дудлаш оғир ва сермеҳнат иш ҳисобланарди. Участкадаги ёрдамчи ишлардан тортиб, то асосий жараёнларгача — ҳаммаси қўл кучи билан адо этиларди. Колбаса унумсиз, эски камераларда тайёрланар, печнинг ичи тутун билан тўла бўларди. Корхонадаги иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаш учун кураш кенг қулоч ёймоқда. Бу эса комбинатда ишлаб чиқариш маданиятини ошириш имконини бермоқда.

Т. ҲАМИДОВ.

КАМПИР ТИШ ҚЎЙДИРМОҚЧИ

ҲИКОЯ

◆ ◆

Шофер автобусни энди юргизмоқчи бўлганда, бир кампир узоқдан «ҳой-ҳой»лаб шошиб кела бошлади. Шофер кампирни кўриб машина эшигини очиб, кутиб турди. Аёл челак кўтариб, инқиллаб машинага чиқди. Устига ўраб қўйилган бир қават докадан челакдаги шафтоли эканлиги билиниб турибди.

— Онажон, бозоргами? — деб сўрадим автобус ўрнидан қўзғалиши билан.

— Йўқ, айланай, қудамга олиб кетяпман. Боғимизда нимаики пишса, олдидан қудамга олиб бораман. Манави ширинмағиз пишиши биланоқ сара-сарасини узиб пақирга солдим. Қудамни бир кўриб келай дедим, айланай.

— Ширинмағиз дедингизми?

— Ҳа, айланай, ўғлим отини ширинмағиз қўйган. Ўзи жуда тотли шафтоли, мағизи ундан ширин, данагини бемалол чақиб еяберасиз.

Кампир докани очиб, бир дона шафтоли олиб менга узатди.

— Раҳмат, онажон, — дедим миннатдорчилик билдириб.

Ростини айтсам, умримда бундай шафтоли емаганман. Марғилон лўччагидан сал йирикроқ, туксиз оқ шафтоли. Оғзимда эриб кетгандек бўлди. Данаги бодомдек келади, учи сал очилиб турибди. Мағизининг таъми ҳам бодомдан қолишмайди.

— Ўғлингиз бундай шафтоли кўчатини қаердан олган?

— Вой, айланай, қаердан олгани нимаси? Ўзи чиқарган. Ўғлим — силиксонер. Ҳар хил кўчатларни экиб ташлайди. Кейин пайванд қилиб юради. Шу шафтолисига бир қўй мукофот олган. Келаси йили колхознинг катта ерига ширинмағиз экмоқчи.

— Қудангизга шунақа ширин шафтоли олиб кетяпсиз, жуда иттифоққа ўхшайсиз.

— Ҳа, айланай, қудам яхши одам.

— Шаҳардан келин олган экансиз-да?

— Шаҳардан бўлгандаям, чеварларнинг чеварини келин қилганман. Сайёрахоннинг чоки пишиқ. Колхозимизнинг ман-ман деганлари келинимга кийим тиктиришади.

— Келинингиз шаҳарга қатнаб ишлайдими?

— Вой, айланай, қишлоғимизда чеварлик қилади. Тўйдан кейин бир ой ўтмаёқ раисга айтиб мастерской очтирган. Бешта чеварга бошлиқ, — кампир мийиғида кулиб қўйди. — Нодон эканман, айланай. Ўғлим шундай қизга кўнгил қўйипти-ю, мен қаршилик қилибмана!

Асфальт йўлнинг икки томонидан ямяшил пахтазорлар, меваси ғарқ пишган боғлар, ишкомлар, сўлим қишлоқлар лип-лип ўтиб турибди. Аммо бу ажойиб манзара ҳеч кимни мафтун қилмас, ҳамманинг кўзи кампирнинг оғзида эди.

— Ўғлим армиядан келиб, яна колхоз боғида ишлай бошлади. Анчагача сабр қилиб юрдим. Зора ўзи ёрилса, дедим. Тенг-қурлари бола-чақали бўлишди. Мен шунча оғзини пойладим — садо чиқмади. Кейин ўзим гап очдим.

— Латифжон, мундоқ ичингдагини чиқарсанг-чи, ахир менинг ҳам орзу-ҳавасларим бор. Тўй қилсам, келинли бўлсам деяман.

— Шошилманг, ойи, — деди-ю, ўрнидан туриб, боққа кетиб қолди. Болафақир уялди, деб ўйладим. Ўғлимнинг Баҳодир деган ўртоғи бор. Эртасига Баҳодирнинг қулоғига қуйдим. Розилигини билиб бер, агар бирортасига кўнгил қўйган бўлса, уни айтсин, дедим. Бўлмади. «Ойимга айт, шошилавермасинлар» депти.

Бир куни шаҳардан қизлар ҳашарга келишди. Чеварлар ишлайдиган фабрика бор-ку, ўша фабриканинг қизлари ҳар йили кузда олма-узумни йиғиштириш пайтида ҳашарга келишарди.

Кечқурун овқатни пишириб, ўчоқнинг оловини паст қилиб кутиб ўтирибман-ўтирибман, қани энди ўғлимдан дарак бўлса. Ҳеч бундай кутдириб қўймасди, доим овқатни бирга ердик. Мажлис-пажлис бўлса айтиб кетарди. Алламаҳалгача кутиб ўтирдим. Ярим кечада биров кўчадан ашула айтиб келаверди. Эшик олдига келганда билдим, Латифжон экан. «Ашуланг чиқиб қопти, бир гап бордиров» дедим ўзимча. Айтганимдек, эртасига Баҳодир эшикдан оғзи қулоғига етиб кириб келди.

— Хола, суюнчини чўзинг, суюнчи! — деди дабдурустдан.

— Суюнчига мен қарздор, холанг айлансин, гапиравер, — дедим.

— Ўғлингиз совчиликка боришсин, деди.

— Қаёққа, кимникига? — деб сўрадим юрагим ҳаприқиб.

— Шаҳарга, Абдуқодир аканикига. Мана адреси. Маҳалласига бориб, тиш докторники қаерда десаларингиз, кўрсатиб қўйишади. — Баҳодир қўлимга тўрт букланган қоғозни узатди.

Севинганим бурнимдан чиқди. Баҳодирни жеркиб бердим.

— Бор, ўзига қайтариб бер. Адриси бошидан қолсин. Қишлоқда қиз қуриб кетибдими?!

— Холажон, ўғлингиз ёқтиргандан кейин...

— Ҳу ёқтирмай ёқавайрон бўлсин, колхозимизда ойдек қизлар туриб, қаёқдан келганларни ёқтирадими?!

— Хуллас, у деса — у дедим, бу деса — бу дедим, сира кўнмадим. Кечқурун ўғлимнинг афтига ҳам қарамадим. Отаси тирик бўлса шундай қилармиди? Отасига гап қайтарармиди, деб ўйладим. Кўзимга ёш олдим. Йўқ, бўлмади. Ўғлим тушмагур оёғини тираб туриб олди. Олдимга Баҳодирни юбораверib зериктирди.

— Қишлоққа берадиган қизимиз йўқ, дейишса нима қиламан? Роса шарманда бўламан-ку, — дедим охири.

— Гап мундоқ бўптида, холажан, — деди Баҳодир қувониб. — Сиз дадил бораверинг, уёғини ўғлингиз келишиб қўйган, ҳа!

Уни қаранг, онасига бир оғиз айтмай туриб ишни пишитиб қўйган экан. «Шошманг-шошманг» дерди-я. Энди билсам, шаҳарлик қизнинг жавобини кутиб юрган экан.

Енимга иккита қўшнимни олиб, шаҳарга жўнадим. Қидириб-қидириб топдик. Эшикни кекса бир киши очди.

— Қани киринглар, марҳамат, — деди у кулиб. Ичкари кирдик. Абдуқодир аканинг ўзи дастурхон ёзди, чой қуйди.

— Кеннойим қаёқдалар? — деб сўради қўшним. Абдуқодир ака жавоб бермай, супа четига омонат ўтирди.

— Сайёра уч яшарлигида етим қолган, — деди у оҳиста, — кексайганда кўрган фарзандимиз эди. Раҳматлик кўз юмаётганда «Ўгай онанинг қўлида қизимнинг ҳоли нима кечаркин?» деб йиғлаганди. Қўни-қўшнилар кўп қисташди, аммо мен қайта уйланмадим. Марҳуманинг сўнгги гаплари қулоғимда жаранглайверди. Сайёрани ўзим катта қилдим.

Шу гапларни эшитдим-у, келганимга пушаймон қилдим. Она тарбиясини кўрмаган қизни келин қиламанми, — деб ўйлადим. Шу пайт келиним ўзи келиб қолди. Бирам хушрўй, хушфеъл эканки, ҳалиги ўйларим кўтарилиб кетди. Қиз жуда ёқиб қолди.

Болалардан гап очилгандан кейин Абдуқодир ака:

— Ёлғиз фарзандим, Яқинроқдан бўлса дегандим. Фарзандларимиз бир-бирига муҳаббат қўйган экан, уларнинг бахтига завол бўлмайман, — деб кўнақолди.

Ўғлим тушмагур қизнинг отаси билан ҳам танишиб, розилигини олиб қўйган экан. Баҳодир нима учун, «Бемалол бораверинг», деганини ўша ерга борганда тушундим. Ҳозирги ёшларга тараф йўқ. Совчиликка онадан олдин ўзи боради.

Ҳа, келиндан ялчидим, айланай. Яқинда невaралик бўламан. Қудам ҳам яхши одам. Ўтган ҳафта келганимда...

— Серқатнов бўлиб қолибсиз, бирор гап борга ўхшайди-я, — деди йўловчилардан бири ҳазиллашиб. Кампир қизариб кетди, кейин ўзини тутиб олиб:

— Вой болам тушмагурей, — деб — кулди—Серқатновлигим сабаби — тиш қўйдиряпман. Қудам келаси ҳафтага келинг, тайёр бўлади» деган эдилар, — деб жавоб қилди.

— Қишлоқда тиш доктори йўқми?

— Районда бор-у қишлоқда йўқ. Бўлгани билан қудамга ким етсин.

— Онажон, яқинда колхозингизда тиш доктори ҳам бўлар экан-да! — дедим мен ҳазиллашиб.

— Ҳой жувонмўлмагурлар, сизларга ҳазил бўлса бас-да! Машина манзилга келиб тўхтади. Кампирнинг пақирини машинадан олиб тушиб бердим.

— Баҳорда қишлоғимизга боринг, ширинмағизнинг кўчатидан олиб кетасиз. Районга бориб Латифжоннинг уйи қайси десангиз, ёш бола ҳам кўрсатиб қўяди,— деди кампир хайрлашаётиб.

— Раҳмат, онажон, албатта бораман.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

ЕРНИ МЕҲНАТ БЕЗАЙДИ

Халқимизда «Уста деҳқон ер танламайди, ўз меҳнати билан ерни безайди», деган нақл бор. Дарҳақиқат, буни биз ўзимизнинг кўп йиллик тажрибамизда ҳам синаб келяпмиз. Ерни оби-тобида ишласанг, тўйдириб озиқлантирсанг, қондириб суғорсанг у ҳеч қачон доғда қолдирмайди, ўз бойликларини пинҳон тутиб ётмайди. Шунинг учун ҳам биз ерни ишлашни ҳар йили куздан бошлаймиз. Далалардаги ҳосил йиғиб-териб олинганидан кейин, ерни ўғитлаймиз ва чуқур шудгор қилиб қўямиз.

Ўтган йили кузда ҳам ерларимиз сифатли ҳайдалган эди. Чигит экиладиган майдонлар бутун қиш давомида ва баҳорнинг дастлабки ойларида қор-ёмғирдан баҳраманд бўлди. Бунинг устига айни қишда яхоб бердик. Баҳорда кунлар исиб кетиши биланоқ бороналашга киришдик. Шу йўл билан ерда етарли миқдорда нам сақлаб қолинишига эришдик. Бу нам чигитнинг бир текис униб чиқишини таъминлади. Вегетация даврида, ғўза сувга чанқоқ бўлган кунларда ҳам ғўзаларимиз толиқмади, гул ва ҳосил тугунчаларини ташлаб юбормади. Чунки ердаги нам ғўза илдизларининг озуқадан баҳраманд бўлиши учун шароит яратиб берган эди.

Ғўза парвариши даврида культивация, суғориш ва озиқлантиришни агротехника жиҳатдан қулай муддатларда ўтказдик. Айниқса культивациянинг чуқур бўлишига эришилди. Бунда ғўза тупларига майин тупроқ тўшалиб, айни вақтда бегона ўтлар таг-томири билан қирқиб ташланди. Ғўзани суғориш кеча-кундуз олиб борилди. Июль ойида кўпгина бригадаларда олти киши ўрнига 16-18 киши сув тутди. Ҳар бир участканинг тупроқ хусусиятини ҳисобга олиб, баъзи карталардаги ғўзаларни эгат ташлаб суғордик. Бу билан ҳам сувни тежаб қолдик, ҳам оз сув билан кўп майдондаги ғўзаларни суғордик. Сувнинг исроф бўлишига мутлақо йўл қўйилмади.

Мўл ҳосил учун кураш айниқса Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор ўртоқ Т. Тўракаев бошлиқ Крупская номли бўлимда қизғин тус олди. Бўлим ишчилари ҳар туп ғўзани қалб қўри билан парвариш қилдилар. Гектарларнинг тўла бўлишига эришдилар. Ҳосил нишоналарини тўла сақлаб қолдилар. Ғўза тупларининг ғовлаб кетмаслиги учун минерал ўғитлардан меъёрида фойдаландилар, чеканкани ўз вақтида ўтказдилар. Бўлим пландаги 555 тонна ўрнига 820 тонна пахта топширди. План-заказ 146 процент адо этилди. Машина терими юзасидан берилган топшириқ 150 процент бажарилди.

Бекбаули Олланиёзов раҳбарлик қилаётган Калинин номли, Айтмурод Емберганов раҳбарлик қилаётган Ленин номли бўлимларнинг ишчилари ҳам ғўза парвариши даврида барча тадбирларни изчиллик билан амалга ошириб, пахтадан мўл ҳосил етиштирилишига эришдилар. Бу бўлимлар ҳам планни муддатидан илгари бажариб, бошқаларга ўрнак кўрсатдилар.

Комплекс механизация пахтачиликнинг кенг истиқболини очиб бермоқда. Буни совхозимиз мисолида ҳам жуда равшан кўриш мумкин. Йил бошида 17 та комплекс механизациялашган звенолар ташкил этгандик. Бу звенолар забардаст техника кучига таяниб, пахтачиликдаги ишларнинг деярли ҳаммасини механизмлар воситасида бажардилар, қўл меҳнатини кескин қисқартирдилар. Натижада улар йиллик планларини биринчилар қаторида бажариб, энг арзон ва кўп пахта етиштирдилар.

Бу ҳақда бир мисол келтирмоқчиман. Гулсовур Мирзамбетова бошчилик қилаётган звенода 30 гектар ер бор. Звено ана шу майдондаги ғўзаларни нуқул механизмлар воситасида парвариш қилди. Натижада ҳар гектар ердан 35 центнердан зиёдроқ ҳосил кўтарилди. Звенодаги ҳар бир киши ҳисобига 15 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етиштирилди. Бир центнер пахтанинг таннархи 12 сўм 80 тийинга тўғри келди. Звено аъзолари шу кунларда ҳосилнинг қолган қисмини ҳам жадал суръатлар билан йиғиштириб оляптилар ва дала ишларини конвейер усулида ташкил этиб, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратмоқдалар. Бундай комплекс механизациялашган звенолар совхозимизда анча бор.

Механизация ҳақида гап кетганда, пахтакорнинг қўл меҳнатини бир неча баравар енгиллаштираётган «зангори кема»лар ҳақида гапириб ўтмасдан мумкин эмас. Бу йилги мавсумда совхозимиз далаларида 35 та терим агрегати ишлади. Улар ишчиларимизга жуда катта мадад бердилар. Холбой Сейтниёзов 73 тонна, Гулсовур Мирзамбетова 72 тонна, Илёса Генжамуродова 70 тонна пахта териб беришди. Дала гвардиячилари деб ном олган ана шу капитанларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли йиғим-терим суръати кун сайин оша борди. Давлатга 4500 тоннадан зиёдроқ «оқ олтин» топшириб, йиллик планни муддатидан анча илгари бажарган эдик.

Совхозимиз рентабелли хўжалик. Биз пахта тайёрлаш йиллик планларини ҳамиша ошириб адо этяпмиз. Даромадимиз ҳам тўхтовсиз кўпайиб бормоқда. Пахтачиликдан шу йилнинг ўзида бир миллион 700 минг сўм даромад қиламиз. Бу, ўтган йилдагидан 548 минг сўм кўпдир. Агар ўтган йили ҳар бир ишчининг ойлик ўртача иш ҳақи 56 сўмни ташкил этган бўлса, бу йил 79 сўмга тўғри келяпти. Ишчиларимизнинг фаровонлиги ошиб бораётганлиги ана шу рақамнинг ўзидан ҳам кўриниб турибди.

Муваффақиятлар олдида мағрурланиш деҳқонларимизнинг табиатига тўғри келмайди. Шунга кўра биз ишни сира бўшаштирмай, КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб, келгуси йил ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун курашяпмиз. Дала ишлари конвейер усулида олиб борилмоқда. Қарийб 800 гектар пахта майдони ғўзапоядан тозаланди. Бу ерлар пешма-пеш шудгор қилиб борилмоқда. Қараматдин Жалиев, Оқил Жуманиёзов, Йўлдош Реимов сингари тракторчиларимиз кунда 5-6 гектар ерни шудгор қилиб, мусобақада ғолиб чиқмоқдалар. Бизда 29 та тракторчининг ҳаммаси ер ҳайдаш нормасини муттасил ошириб бажаряпти.

Лекин, умуман дала ишларининг ҳозирги аҳволини мақсадга мувофиқ дея олмаймиз. Ерни қанча барвақт шудгорласанг, шунча ютасан. Бунга амал қилиб, ҳайдов тракторлари сонини 40 тага етказмоқчимиз. Тракторлар икки сменада ишлайдиган бўлади. Шу йўл билан экин майдонларини мумкин қадар тезроқ шудгорлашни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйдик.

Ариқ-зовурларни тозалаш ишлари тугалланай деб қолди. Далага маҳаллий ўғит чиқариш жадал давом эттирилмоқда. Минерал ўғитларни ташиб олиш ва участкаларга тақсимлаш устидан алоҳида назорат ўрнатганмиз. Хуллас, шу кеча-кундузда амалга ошираётган тадбирларимизнинг ҳаммаси келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин ҳозирланишига қаратилган.

И. АРЗУОВ.

Қорақалпоғистон АССР. Чимбой районидаги Калинин номли совхоз директори.

Андижон областининг колхоз ва совхозларида келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратилмоқда, пахта ерлари тезкорлик билан шудгор қилиняпти. Хўжаобод районидаги «Шарқ юлдузи» колхозида ҳозиргача 600 гектардан ортиқ пахта ери сифатли ҳайдалди. Суратда (чапдан): колхоз агрономи А. Жумақов, колхоз раиси Ж. Авалов ва колхоз инженери Э. Сариқов ўртоқлар шудгорнинг сифатини текшириб кўрмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

ЯНГИ китоблар

«Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти қуйидаги китобларни нашрдан чиқарди:

Ойбек — ФРОНТ БЎЙЛАБ (кундалик дафтардан). Ўзбек тилида, 58 бет, тиражи 10.000, баҳоси 18 тийин.

Ёзувчи Ойбек Улуғ Ватан уруши йиллари окопларда, ертўлаларда довюрак йигит ва қизларимиз билан суҳбатлашди. Уларга бағишлаб шеър ва очерклар ёзди. Бу китобда ёзувчи ўз кўзи билан кўрган воқеаларни ҳикоя қилади.

Ойбек — ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР (шеърлар). Ўзбек тилида, 71 бет, тиражи 10.000, баҳоси 9 тийин.

Бу тўпламга Улуғ Ватан уруши йилларида ёзилган шеърлар киритилган.

Мирмуҳсин — ТУНГИ ЧАҚМОҚЛАР (повесть ва ҳикоялар). Ўзбек тилида, 301 бет, тиражи 60.000, баҳоси 60 тийин.

«Тунги чақмоқлар»да Ўрта Осиёнинг Россия билан қўшилиши воқеаси тасвирланади. Тўпламга «Искандария қўрфази» повести ва араб ҳикоялари ҳам киритилган. Бу асарларда араб шарқи меҳнаткашларининг империализмга қарши кураши акс эттирилган. Бундан ташқари замонамизнинг илғор кишилари, пахта усталари ҳақида бир неча ҳикоялар, ўндан ортиқ ҳажвий асарлар ҳам китобдан ўрин олган.

Раҳимжон Муқимов — «СОБИР АБДУЛЛА» (адабий портрет). Ўзбек тилида, 110 бет, тиражи 3.000, баҳоси 19 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.

Н. Островский — БЎРОН БОЛАЛАРИ. (Роман). Ўзбек тилида, 230 бет, тиражи 30.000, баҳоси 60 тийин.

И. Қўчқортоев — ИККИ ВА ЎН БИР (ҳикоялар). Ўзбек тилида, 39 бет, тиражи 20.000, баҳоси 7 тийин.

М. Аҳмедова — ЖАНГОВАР ИЛМИЙ-АТЕИСТИК ПРОПАГАНДА УЧУН. Ўзбек тилида, 57 бет, тиражи 5.000, баҳоси 4 тийин.

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА

КОМБИНАТДА ҲАММА ГАЗЕТХОН

— Ишчи, хизматчи, инженер-техник ходимларимиз орасида газета-журнал олмайдиган бирор киши йўқ, — дейди мамнуният билан Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитети секретарининг ўринбосари Эркин Ҳомидов.

Комбинатда шу кунгача 16.300 нусха газета-журналга обуна бўлинди. Комбинат ишчиларидан А. Холматов, И. Тўйчиев, С. Ермаков, М. Шукруллаев, А. Белаева, Ш. Жўрабоевлар 35-50 сўмлик газета-журналларга ёзилдилар.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ

Пайариқ районида газета-журналларга обуна тўплаш муваффақиятли тугалланди. Қисқа вақт ичида 47.681 нусха газета ва журналларга обуна қабул қилинди.

«Ленинизм», Калинин номли, Ленин номли, «Коммунизм» ва «Москва» колхозларида обуна тўплаш айниқса уюшқоқлик билан ўтди.

А. ЮСУПОВ.

3950 НУСХА

Орджоникидзе районида 3950 хонадон «Совет Ўзбекистони» газетасига обуна бўлди. Бу ўтган йилдагидан қарийб 300 нусха ортиқдир.

Колхозчи Турсун Алимов 5 хил газета ва 3 хил журналга, Карим Содиқов 4 хил газета ва 2 хил журналга обуна бўлган. Бундай мисолларни кўплаб кўрсатиш мумкин.

Ҳ. ЗУФАРОВ,

Тошкент области.

УЗОҚ ШИМОЛДАН ОБУНА

Шу кунларда газета ва журналларга обуна бўлиш Ватанимизнинг ҳамма ерларида қизғин давом этмоқда.

Биз ўзбек йигитлари ўз Ватанимиз олдидаги ҳарбий хизматни серқуёш республикамиздан узоқда адо этмоқдамиз. Шундай бўлишига қарамай, бизнинг фикри-зикримиз ҳамиша она юртимизда.

Командамиз солдатлари орасида 11 ўзбек солдати хизмат қилмоқдамиз. Бўш вақтимизда китоб, газета ва журнал ўқиймиз. Шу мақсадда иттифоқ миқёсидаги газета, журналлар билан бир қаторда она юртимизда чиқадиган «Совет Узбекистони», «Узбекистон маданияти», «Ёш ленинчи» газеталари ва «Фан ва турмуш», «Муштум», «Шарқ юлдузи» каби журналларга обуна бўлдик.

Х. АБДУРАҲМОНОВ.

Магадан области.

Газетхонлардан Н. Саидов, (Андижон райони), Х. Турғунбоев (Хўжаобод), С. Остонақулов (Зомин). Р. Шерматов (Қўқон шаҳри), Й. Зомонов (Тошкент шаҳри), Т. Дўстқулов (Пайариқ), Қ. Абдужалилов (Термиз шаҳри) ўртоқлар ҳам ўз хат-хабарларида жойларда газета ва журналларга обуна бўлиш ҳақида ёзадилар.

ЎҒИТЛАБ ҲАЙДАНГ

Ерни ҳайдашдан олдин ўғитлаш — энг муҳим агротехника тадбирларидан биридир.

Ҳар бир хўжалик ҳозирданоқ ўғитдан нормал фойдаланиш юзасидан план тузиб олиши лозим. Шуни эътиборга олиш керакки, ўғитлаш маълум даврларда ўтказилади. Масалан, нормадаги фосфордан 70 проценти ва калийдан 50 проценти ерларга шудгорлашдан олдин солинади. Қолган қисми эса чигит экиш ва ғўзанинг ривожланиши даврида сепилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир хўжалик ўғитлаш планини ер шароитига ва алмашлаб экиш планига қараб тузиши лозим бўлади. Айрим хўжаликларда шудгорлаш олдидан ўғитлашга етарли эътибор берилмаётгани ачинарли ҳолдир.

Гўнг — энг муҳим ўғитлардан саналади. У ҳосилдорликни оширишда муҳим роль ўйнайди. СоюзНИХИда ўтказилган тажрибалар беданоя ҳайдалгандан кейин орадан 3-4 йил ўтгач ана шу майдонларга маҳаллий ўғит солиш лозимлигини кўрсатди. Бундай ўғитлар ер шароити ҳисобга олинган ҳолда солинса, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил 3-5 центнер кўпайиши мумкин. Шунинг учун ҳам гўнг ва бошқа маҳаллий ўғитларни имкони борича кўпроқ тўплаш ва улардан моҳирона фойдаланиш тавсия этилади. Маҳаллий ўғитларнинг шудгорлашдан олдин солиниши суперфосфат ва калий ўғитларининг фойдалилигини оширади. СоюзНИХИда ўтказилган тажрибалардан бирида фақат минерал ўғит солиб ҳайдалган ерларда гектаридан 42,7 центнер, ана шундай ўғит устига 10 тоннадан гўнг қўшиб ҳайдалганда эса, гектаридан 48 центнердан ҳосил олиниши аниқланди. Демак, ҳосилдорлик гектар бошига 6 центнер ошган.

Ерларга маҳаллий ўғит сочилгандан кейин, белгиланган йиллик нормага кўра, ҳар гектар майдонга 300-400 килограммгача суперфосфат солинади. Агар хўжаликларда гўнг етарли бўлса, гектар бошига 12-15 тоннагача маҳаллий ўғит солиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кузги шудгорлаш олдидан ерларга асосан суперфосфат ва калий ўғитлари солинади деган эдик. Шуни айтиб ўтиш керакки, маҳаллий ўғит сочилган ерларга калий ўғити солинмаса ҳам бўлади. Чунки, гўнгда калий моддаси етарлидир.

Фосфор ўғити ер юзасига шудгорлашдан олдин баббаравар сепилиши лозим. Бу хил ўғит сувда эримагани сабабли ернинг ҳайдалган қисмида қолади ва кўкламда ғўза униб чиқиши билан ўсимлик ундан озиқлана бошлайди.

Соз тупроқли ерларда йиллик ўғитнинг 70 проценти шудгорлаш олдидан солинади. Шўр тупроқли майдонларда эса, ер 1-2 марта ювилгандан сўнг минерал ўғит сочилади ва шундан кейин шудгорлаш тавсия этилади. Бухоро, Сирдарё областларининг айрим районларида фосфор ўғитини шўр ювилгандан сўнг солиш яхши натижа беради.

Кейинги йилларда СоюзНИХИнинг республикамизнинг маълум жойларидаги тажриба станцияларидан олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, ер шудгорлашдан олдин ўғитланиб, чуқур ҳайдалса, пахта ҳосили гектарига 4-5 центнер ошади. Масалан, Самарқанд области шароитида суперфосфатнинг 50-70 проценти шудгорлашдан олдин солинганда ҳосилдорлик 4-5 центнер кўпайди.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, минерал ва органик ўғитлар шудгорлаш олдидан солинса, келгуси йил ҳосили шубҳасиз, баракали бўлади. Кузги-қишки тадбирлар амалга оширилаётган шу кунларда деҳқонларимиз бунга амал қилсалар соз бўларди.

И. МАДРАИМОВ,

қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Ахлоқ ва одобга доир

ГУЛ ва ТИКАН

Ота меҳри

Анвар ака Сирдарёдан қайтганда қош қорайган эди. Кун бўйи йўлда, машинада юриб, анча чарчади. Аммо, қалби қувончга тўла. Тўнғич қизи — Раънони кўргани борганди.

Бормасдиям-у, оталик меҳри қўймади, уни 6-совхозга етаклади. Бир куни олдин Раънони соғиндим, кўриб келсаммикан, деб хотинига маслаҳат солганди. Тожи опа айланиб-ўргилди, бориб келақолинг деб. Эркатойлари эшиккача кузатиб чиқишди.

— Салом денг Раъно опамларга... — қўл силкиб қолишди улар. Планни тезроқ тўлдиришсин...

Раъно Дўрмонда ўқиб юргандаям чевар теримчи эди. Тошкент медицина институтида ўқиётган эди, студентлар билан пахтакорларга кўмаклашишга кетди. Раъно кунда 100-120 килограммдан «оқ олтин» тераётган экан. Ўқитувчилари хурсанд бўлиб гапиришди.

Анвар ака бугун даладан қайтаётиб, уйда болалари қандай қарши олишини хаёлига келтирди. Бири эркалик қилиб, отанинг елкасидан қучоқлайди. Бошқаси мактабда олган баҳосини кўрсатади. Яна бири қўшнисининг болалари билан қандай ўйнаганини бийрон тили билан энтикиб гапириб беради.

Ота ҳаммасининг гапига баравар жавоб қайтаролмай, кулимсираб, қулоқ солиб туради. Анвар ака ўн битта фарзандлик бўлибдики, ҳали бирортасини хафа қилган эмас. Гоҳо уларни койиса ҳам, шундай оҳангда гапирадики, болалари сира ранжимайди. У болаларининг ҳаммасига бирдай меҳр қўйган. Бирортасини ортиқча талтайтирмайди. Ҳар бирининг кунда нима билан шуғулланаётганини кузатади.

Дўрмондаги Пушкин номли 6-мактабда ўқийдиган фарзандлари: Адҳам, Моҳира, Маҳбуба, Илҳом, Улуғбек, Малоҳатларнинг хулқи, ўқиши билан қизиқади. Тез-тез мактабга бориб туради. Ҳали мактаб ёшига етмаган Рустам, Дилфуза, Ойбекларнинг ширин гапларини эшитиб хурсанд бўлади. Ҳаммаси соғ-саломат, дуркун ўсиб улғайишяпти.

Улуғ Ватан урушини Анвар ака яхши эслайди. Ўша даврда у ёш эди. «Қизил Ўзбекистон» колхозида бригада бошлиғи қилиб сайланди. Фронтда ҳаёт-мамот жанги кетар, Улуғ Ватанимизнинг тақдири ҳал қилинаётган дамлар эди. Оталар, йигитлар фронтда. Далада хотин-халажу, болалар. Фашистларнинг ҳужумини даф қилиш учун пахта керак эди. Ана шунда Анвар ака кун ботишу, кун чиқишнинг фарқига бормади. Бутун меҳрини фарзандларига ва пахтага бағишлади. Отанинг ўрни ё жангда ёки меҳнат фронтида деб тушунди. Эл-юртга, фарзандларга бўлган меҳр шундай ифодаланади деб тушунди. Анвар ака бошлиқ бригада ўша йиллари ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 33-37 центнердан ҳосил кўтарди. У фидойи меҳнати билан, ҳам фарзандларини вояга етказди, ҳам Ватаннинг кучига мадор қўшди.

Урушдан кейин Анвар аканинг бригадаси ҳосилдорликни мунтазам равишда кўтариб борди. Ўшанда донгдор бригада бошлиғи Анвар Эгамназаровга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Қаҳрамон ота фарзандларини ҳам камтарин, меҳнаткаш қилиб ўстиряпти. Ўз ҳаёти намунасида уларга меҳнатга меҳр қўйишни ўргатяпти. Ҳар сўзи ақлнинг кўзи бўлган, Анвар ака сингари оталарнинг меҳнати, раҳнамолиги туфайли, қишлоқ кишилари янада олижаноб, қишлоқлар янада файзли бўлиб боряпти.

С. МУҲИТДИНОВ,

Тошкент область, Орджоникидзе райони.

Шафқатсизлик

Ермамат мактабни битиргандан кейин уйланди. Сўнг ҳарбий хизматга чақирилди. Қайнона-келин чидам билан Ермаматни кутишди. Ермамат ниҳоят ҳарбий хизматдан қайтиб келди. У фарзанд кўрди, ота бўлди. Ургут районидаги 41-мактабнинг бошланғич синфларида дарс бера бошлади. Лекин болаларга тарбия бериш қўлидан келмади. Тезда бошқа ишга ўтди. Қоратепа матлубот жамиятига қарашли 1-ошхонада буфетчи бўлиб ишлай бошлади.

Шу ишга ўтдию, Ермамат қўпол, ножўя қилиқлар чиқарди, онасини жеркийдиган, хотинига ўшқирадиган, қизчаларига қарамайдиган бўлиб қолди. Ҳатто хотини Иноятхон билан бир неча марта қўйди-чиқдига борди.

Ермамат кечаси алламаҳалгача санқиб кетар, уйига кеч қайтарди. Қишлоқда хунук бир миш-миш тарқалди:

—Ермамат ошхонада ишлайдиган аёл билан бирга юрармиш.

— Йўғе! Ўзининг шундай чиройли хотини туриб-а?

— Бечора хотинига қийин бўлибди-да. Айниқса ёш болаларига увол. Баъзи яхши кишилар тирноққа зор-у, унга гулдай болалари ошиқча юк бўлибди-да. Садқаи ота...

Бу гаплар Иноятхонни ташвишлантирди. Ермамат эса парвойи фалак, на хотини, на онаси, на фарзандларининг аҳволидан хабар олади. Бир куни Ермамат уйга келганида онаси:

— Болам, — деб сўз бошлади кўзига ёш олиб.— Ёш бола эмассан, уч боланинг отасисан. Уйда гулдек хотининг ўтирибди, бечора йиғлайвериб кўзлари кўр бўлаёзди. Юлдуздай болаларингни уволига қоласан-а. Қўй, шу...

— Сиз менга хўжайин эмассиз,—бақирди Ермамат. Шундан сўнг у дом-дараксиз йўқолди.

Ермамат енгил табиат официант аёл билан номаълум ёққа кетди. Не-не умидлар билан катта қилган онасини, хотини ва фарзандларини, қадрдон қишлоғини ташлаб кетди.

Ургут район милиция ходимлари қочоқ отани топишга, болаларга ёрдам беришга ваъда қилишди.

Иноятхоннинг кўзлари йўлда. Қизалоқлар ҳам, ҳозир отамиз келиб, бизни қўлига олади, ширин кулчалар олиб беради, деб кўзларини жовдиратиб, дарвозага қарашади. Лекин, афсуски, орадан беш йил ўтди ҳамки, уларнинг отаси қайтиб келмади. У ширин кулчалар ўрнига, болалар қалбида ўкинч, ташвиш, аччиқ изтироб қолдириб кетди.

Кунлардан бирида почтачи район милиция бўлимидан қандайдир хат келтириб берди. Хатда бундай дейилган эди:

«Ермамат Аҳмадовнинг қаёққа кетгани аниқланди. У иккинчи хотини Гулсара Валиулина билан қуйидаги адресда яшаб турибди: Туркманистон, Фароб станцияси, Гагарин посёлкаси»...

Ермамат ҳанузгача болалари ёнига қайтгани йўқ. Унинг қизалоқлари ўсиб улғайишмоқда. Маҳфират 12 ёшга тўлди. У мактабда ўқияпти. Маърифат 8 га, Ҳосият 5 га кирди. Улар меҳрибон бувиси Қурбоная ва ғамхўр онаси Иноятхон, қолаверса софдил совет кишилари қўлида вояга етишади. Улар бевафо отаси агар хатосини тушуниб қайтиб келса, балки у етказган дард-аламларини унутишар, яна ота бағрига талпинишар. Агар тушунмаса садқаи-сар. Ундай бемеҳр отанинг боридан йўғи яхши.

А. ДИЛМУРОДОВ,

М. ХАЗРАТҚУЛОВ,

Самарқанд область, Ургут райони, Калинин номли колхоз.

САЛОМАТЛИК ДУШМАНИ

Фан, маданият, медицина равнақ топган сари эскилик сарқитлари, дин ва хурофотнинг зарарли таъсирлари тобора камайиб бормоқда. Ёш авлод совет фани ва маданиятининг юксак чўққиларини эгалламоқда, коммунистик ахлоқ ва одоб қоидаларини ўзига чуқур сингдирмоқда, ярамас урф-одатларимизга нисбатан нафрати ортмоқда.

Аммо фан, маданиятимиз нурларидан баҳраманд бўлолмаган айрим кишилар ҳам борки, улар ёшларга салбий таъсир кўрсатмоқдалар. Дин, хурофот каби эскилик сарқитларининг таъсири ҳатто нохуш оқибатларга ҳам сабаб бўляпти. Айниқса, биз медицина ходимлари бундай воқеаларни кўплаб учратамиз. Масалан, яқинда шундай воқеа юз берди.

Тошкент шаҳар Чиғатой маҳалласида яшовчи 43 ёшли Ҳамроқул акани касалхонага оғир аҳволда келтиришди. У ўн йил давомида ошқозон-ичак касали билан қийналиб юрган. Аммо шунча вақт ичида Ҳамроқул ака ўзини врачга эмас, фолбинга, табибга, кинначига «қаратиб» келган. Беҳуда хайри-худойи қилган. Ниҳоят, касали кучайиб, ўлим хавфи остида қолгандагина касалхонага келишга мажбур бўлган. Бемор дамба-дам қайт қилар, дардининг зўрлигидан тез-тез ҳушидан кетарди. Биз рентгенда текшириб, бу одамнинг меъдасида эски яра (язва) борлигини, бу айни пайтда ракка айланаётганини айтдик. Бунинг бирдан бир чораси тезда операция қилиш эди. Аммо ҳаддан ташқари ҳолдан тойган, қонлари камайиб кетган бу беморни операция қилиш мутлақо мумкин эмас эди. Ҳамроқул аканинг розилигини олгач, ҳар хил усуллар билан дори-дармон бериб, уни 7-10 кун ичида операцияга тайёрладик. Операция куни ҳам белгиланди, аммо бемор салгина тузалгандан кейин, операциядан бош тортиб, унинг саломатлиги учун кечакундуз курашаётган шифокорларнинг маслаҳатларини ҳам ҳеч бир эътиборга олмади. Ҳатто берухсат касалхонадан чиқиб кетди. Афсуски, бу одам орадан бир ой ўтар-ўтмас яна қайтиб келди. Келдию, дардини бедаво қилиб келди.

— Мен кўрнамакни, нодонни кечиринглар!... — деди Ҳамроқул ака врачларга. Сизларнинг маслаҳатларингизга юрмадим. Бўстонлиқда ҳам домлалик, ҳам табиблик қиладиган бир ҳукамо бор, деб эшитиб, ўшандан нажот кутиб, кетиб қолдим. Минг афсуски, унинг ўқишлари ҳам, «дори»лари ҳам мени заррача тузатмади, аксинча баттар қилди...

Бемор шунчалик ҳолдан тойган эдики, уни биринчи кўришда таний олмадик. На чора? Яна лаборатория анализлари, рентген текширишлари бошланди. Оқибатда шу нарса маълум бўлдики, илгариги яранинг ёнидан янги шиш пайдо бўлган.

Яна бир мисол. Самарқанд дарвоза маҳалласидан 47 ёшли Саодат опани касалхонага келтиришганда у ҳушсиз эди. Рентген текширишлари жигар ости сафро йўлига тош қадалиб қолганини кўрсатди. Бемор дарҳол операция столига ётқизилди, мўлжалланган ердан нўхатдек, лекин қирралли тош олинди. Худди шу вақтда эса, Саодат опа алаҳсираб: «Пулни аяманглар, чилла ёсин қилинглар, жонлик сўйинглар!» дер эди. Бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун астойдил уринаётган шифокорлар мийиғларида кулиб қўйишди.

Партия ва ҳукуматимиз халқимизнинг саломатлигини янада яхшилашга тобора катта аҳамият беряпти. Ҳозир фақат шаҳарлардагина эмас, ҳар бир район, ҳатто узоқ қишлоқларда ҳам касалхоналар, медпунктлар бор. Бу шифохоналардан кўплаб беморларнинг шифо топиб кетаётганини, ҳатто туғма кўрларнинг кўзи очилаётганини ҳамма билади.

Аввало касалга йўлиқмасликнинг чорасини кўрган яхши. Бирор касалга йўлиқилдими, унинг олди қанча тез олинса, шунча тез тузалади. Касал қанча эскиса, тузалиши шунча қийин. Модомики, шундай экан, касалга йўлиққач, биринчи галда «туркона дори» қилиб, вақтни ўтказиб, дардини зўрайтирмай, дарров врачга мурожаат қилган одам ўз жонига жабр қилмаган бўлади.

Энди рўза ҳақида икки оғиз сўз. Рўза, халқ таъбири билан айтганда, «йўғонни чўзиб, ингичкани узади». У, соғ одамни 30 кун ичида бурнидан тортса йиқиладиган қилиб, чўзилтириб қўяди. Касал кишини эса, ўнгалмайдиган ҳолга келтиради. Шунга қарамай, айрим қарилларимиз, куч-қувватлари кетиб, саломатликлари қил устида турган бўлса-да, рўза тутишга ҳаракат қиладилар. Улар «Қарини томоқ асрайди» деган ҳикматли гапни ҳам унутадилар. Натижада рўзадан бир ҳафта-ўн кун ўтар-ўтмас ётиб қоладилар.

Хусусан, ошқозон-ичак, жигар, юрак каби аъзоларида касаллик бор бўлган одамнинг бир кун ҳам оч қолиши мутлақо мумкин эмас. Чунки, бу касалларнинг тамоман тузалиб кетиши қийин. Аксарият, бундай касалликка йўлиққанлар парҳез қиладилар, жуда эҳтиётлик билан ўзларига ёқадиган овқатларни ейдилар. Кўпинча оз-озу, тез-тез тамадди қиладилар.

Аммо, афсуски, кўра-била туриб, ўз жонига жабр қилувчилар ҳам топилади. Мана сизга бир мисол: Ўтган рўзанинг ўн биринчи куни 52 ёшли беморни оғир аҳволда касалхонамизга келтирдилар. Беморнинг ранги ўчган, вужудини совуқ тер босган, томир уриши ва нафас олиши жуда тезлашган эди.

Дарҳол рентгенда текшириб, меъда-ичак яраси тешилган деб диагноз қўйдик. Тезда операция қилиш зарур эди. Қорин операция қилиб очилгач, 12 бармоқли ичакдаги эски яранинг янгилангани ва шу ердан тешилгани, натижада ичакдаги овқат ва бошқа моддалар ташқарига чиқиб кетаётгани маълум бўлди. Бу одамнинг ҳаёти зўрға сақлаб қолинди. Текширишда маълум бўлишича беморнинг 12 бармоқли ичагида эски яра бўлгани ҳолда, рўза тутган.

Хулоса шуки, инсон учун дунёда саломатликдан азиз нарса йўқ. Киши саломат экан, ота-онасига, фарзандига халқ ва давлатга фойдаси тегади. Ҳар қандай орзу умидига фақат саломат кишигина ета олади. Шундай экан, саломатликни сақлайлик.

Ж. ПУЛАТОВ,

Врачлар малакасини ошириш институтининг доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач.

Чеҳраларида табассум порлаб турган бу қизлар Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозида ишлашади. Улар колхоз клуби қошидаги бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг актив қатнашчиларидан. Сиз уларни Пахта байрами кунлари катта концерт вақтида учратишингиз, меҳнат завқини тараннум этаётганликларини кўриб қувонишингиз турган гап.

В. Сироткин фотоси.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

УНИ УСТОЗ ДЕЙДИЛАР!

— Ленин орденингиз муборак, Раҳимбой ака!

— Олий мукофот билан табриклаймиз!

Раҳимбой акани дўстлари, ҳамкасблари ва танишлари юксак мукофот билан самимий табрикладилар, унга муваффақиятлар тиладилар.

СССР Олий Совети Президиумининг 1965 йил 5 ноябрдаги Фармонини эшитаркан, Раҳимбой ака ғоят ҳаяжонланганидан кўзларига беихтиёр ёш келди. «Мен қаҳрамонлик ёки жуда катта хизмат кўрсатмадим-ку... Хаёлидан ўтказди у.

Келинг энди, Раҳимбой ака билан танишинг.

У — магазин мудири. Савдо системасида 35 йилдан буён ишлайди.

— Ҳамма сотувчилар ҳам Раҳимбой акадек бўлса...

Харидорлардан бундай илиқ сўзларни кўп эшитасиз. Раҳимбой ака ўзининг ҳалол меҳнати, хушмуомалалиги билан харидорларнинг ҳурмат-эътибори, олқишига сазовор бўлган. Кекса савдо ходими ҳар бир харидорнинг кўнглини топишга, ҳеч кимни маҳтал қилмасликка интилади.

Гурлан районида Раҳимбой акани танимайдиган киши йўқ. Савдо ходимлари уни «устоз» дейишади. Х. Абдуллаева, С. Файзираҳмонова, Г. Собирова, С. Раҳимбоева каби талай сотувчиларга у мураббийлик қилган. Район марказидаги газмол магазини ўн бир ойлик товар обороти планини муддатидан олдин бажарди. Бунда ишчан мудирнинг ҳиссаси катта.

Раҳимбой ака Юсуповнинг кўкрагида «Совет савдоси аълочиси» значоги порлаб турибди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми уни фахрий ёрлиқ билан тақдирлаган. Энди эса кўксини Ленин ордени безади. Раҳимбой ака юксак мукофотни муносиб хизмат билан оқлашига ишонамиз.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«ГУЛШАН» УНИВЕРСИТЕТИ

Анҳор лабидаги пионерлар саройи бугун одатдан ташқари гавжум.

Бу ерда Н. Островский номли пионерлар саройи, «Шўро» ва «Саноат» маҳаллалари ҳамда 109-мактаб коллективларининг ташаббуси билан ота-оналар учун ташкил этилган «Гулшан» номли педагогик университетнинг очилиш маросими бўлди.

Университетнинг биринчи машғулотида шоира Музайяна Алавия «Бола тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги» мавзуида лекция ўқиди.

Пионерлар саройининг директори Хусан Қодиров, участка врачи Клара Каримова, ёш шоир Хайриддин Салохлар ҳам тарбия масалаларида ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор қилдилар.

Октябрь район Советининг депутати Раҳима Усмонова тантанали вазиятда кўп болали оналар У. Носирова, У. Ҳасанова, Х. Юсупхўжаеваларга «Қаҳрамон она» медалларини топширди. «Гулшан» университетининг ректори, 109-мактаб ота-оналар комитетининг раиси Хатиба Ҳакимова кейинги машғулотларда қандай мавзулар тилга олинишини айтиб берди.

«Гулшан» педагогика университети мураббийлари олдида муҳим вазифалар турибди. Умид қиламизки, улар ёшларни юксак фазилатли кишилар қилиб воярга етказишда муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

А. ЮСУПОВ.

СПОРТ

ЧЕМПИОН ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Кеча Тошкент аэропорти спортчилар ва спорт ишқибозлари билан гавжум бўлди. Москвадан абсолют чемпион Сергей Диамидовнинг қайтиши спорт байрамига айланди.

Ҳақиқатан ҳам, бу моҳир спортчининг гимнастика бўйича ўтказилган чемпионатда СССРнинг абсолют чемпиони деган шарафли номни олиши спортда катта воқеадир. Ўзбекистон спортчилари спорт гимнастикаси бўйича бундай катта ютуқни 1928 йилда қўлга киритган эдилар. Мана, орадан ўттиз етти йил ўтгач, бу ном яна Ўзбекистон пойтахтига қайтиб келди.

С. Диамидов москвалик М. Воронин билан сўнгги дамгача қаттиқ кураш олиб борди. Дастлабки мусобақаларда бахт Воронинга кулиб боқа бошлади. Аммо, тошкентлик спортчи руҳини туширмай, қаттиқ «жанг» қилди ҳамда Воронинни орқада қолдирди. Диамидов 115,775 натижа кўрсатди, Воронин эса 115, 650 балл олиб, иккинчи ўринда қолди.

Суратда: Жаҳон чемпиони С. Диамидов.

* * *

С. Диамидовнинг спорт маҳорати ҳақида Бутуниттифоқ категорияли судья Я. Кравец шундай деди:

— Ҳақиқатан ҳам, биз кутгандек С. Диамидов ишқибозларни жуда хурсанд қилди. Унинг кўрсаткичидан дил қувонади, ҳаракатидаги нозиклик хурсанд қилади.

С Диамидов спорт фаолиятини Тошкентдаги «Динамо» командасида бошлади. Гимнастика спортчилардан жуда катта маҳорат, мунтазам тинмай машғулот ўтказишни талаб қилади. Диамидов ўз олдига қўйилган вазифаларни жон-дили билан бажарди. Бу йўлда унга устози СССРда хизмат кўрсатган тренер Р. Саркисов катта ёрдам кўрсатди. 1960 йилда моҳир спортчига спорт мастери деган унвон берилди. С. Диамидов СССР терма командаси составида Токиода бўлиб ўтган Олимпиа ўйинларида маҳоратини яққол намойиш қилиб, спорт ишқибозларини хурсанд қилди

Биз СССРнинг абсолют чемпиони С. Диамидовдан режалари тўғрисида гапириб беришни илтимос қилдик:

— Аввало, чемпионатни кузатиб турган ишқибозларга «Совет Ўзбекистони» газетаси орқали салом етказишингизни илтимос қиламан. Режаларим, бор албатта: Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларда яхши натижалар кўрсатиш учун тинмай машқ қиламан. 1966 йилнинг октябрь ойида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик ишқибозларнинг ишончини оқлаш учун бутун кучимни сарфлайман.

Р. АКРОМОВ.

Х А Л Қ А Р О
О Б З О Р

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

АНД УСТИДА МОМАҚАЛДИРОҚ

Латин Америкасида деҳқонлар кураши

Ёш деҳқон плуг эмас, милтиқ ушлаб турибди. У диққат билан мусаффо осмонга тикилади. Осмонда вертолетлар парвоз қилиб юрибди. Мана улар водийнинг устига етиб келди. Тўсатдан машиналардан парашютчилар сакрай бошлади. Яна бир оз вақт ўтгач, солдатлар автоматлардан ўқ узиб, дарахтзорлар орасидан ўта бошлади.

Колумбия армияси шимолий америкалик «маслаҳатчилар» — «партизанларга қарши кураш бўйича» мутахассислар раҳбарлигида ўз далалари ва уйларини помешчиклар ва уларнинг малайларидан қўриқлаётган деҳқон отрядларига қарши жанг қилмоқдалар.

Деҳқонлар қўзғолони Латин Америкасининг жуда катта районларига тарқалди. Колумбия, Перу ва Венесуэлада жазо отрядлари билан қуролли тўқнашувлар бўлмоқда. Парагвай ҳамда Гватемалада ватанпарварлар бир неча йиллардан буён кураш олиб бормоқдалар.

Деҳқонларнинг помешчикларга нафрати чиндан ҳам бекиёсдир. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки шу вақтга қадар барча ер эгаларининг 2 проценти ишланадиган ерларнинг 70 процентини эгаллаб турибди.

Баъзи латифундиялар, масалан, Бразилиядаги латифундиялар ўз ҳажми жиҳатидан Европадаги Бельгия ёки Голландия каби давлатларнинг территориясидан ҳам каттадир. Миллионлаб деҳқонлар эса бир парча ерга ҳам эга эмас. Улар бир коса ловия шўрва учун латифундистларга кун бўйи ишлаб беришга мажбур бўладилар.

Деҳқонлар яшайдиган районларда қашшоқлик ва очлик ҳукм сурмоқда. Бразилиянинг шимолий-шарқида одамлар очдан ўлмаслик учун ўргимчак ва чўмолиларни емоқдалар. Бу ерда кишининг ўртача умри ўттиз йилдан ошмайди. Мактаб ёшидаги болаларнинг бешдан бир қисмигина ўқийди, қолган тўрт қисми саводсизлигича қолаверади. Бразилияда «қулчилик 1888 йилда тугатилган бўлса ҳам, бу деҳқонлар аҳволига, айниқса қирғоқдаги шакар қамиш етиштириладиган районларда яшовчи деҳқонлар аҳволига ҳеч қандай таъсир қилмаган»лигини хатто Америкада чиқадиган «Юнайтед стейс ньюс энд Уорлд рипорт» газетаси тан олди.

Қитъанинг бошқа жойларида ҳам деҳқонларнинг аҳволи яхши эмас. Масалан, Эквадорда миллионлаб деҳқонларнинг тақдири 240 помешчикнинг «саховати»га боғлиқдир. Эквадорда экин экиладиган ерларнинг 65 проценти ана шу 240 кишининг қўлидадир.

Деҳқонлар, айниқса ёшлар реакцион генераллар ҳамда янки империалистлари билан тил бириктирган латифундистлар айтганча яшашни истамаётирлар. Колумбияда кураш айниқса кучайиб кетди. Бу ерда ўн минглаб солдатлар деҳқонларнинг ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядларига қарши ташланди. Жазоловчилар деҳқонларга қарши напалм, авиация ўтсочар ва хатто чечак микробларидан фойдаланмоқдалар. Деҳқонлар реакция ҳужумига муваффақиятли қаршилик кўрсатибгина қолмай, ўзлари ҳам актив ҳужумга ўтаётирлар.

Бу ўринда мамлакат ишчилар синфи, студентлари, барча демократик кучларининг бирдамлиги катта роль ўйнайди. Жазоловчиларнинг ватанпарварларга қарши ҳарбий операцияси авж олган бир пайтда ўқувчи ёшлар қамал ҳолати жорий қилинишига қарши чиқдилар, деҳқонларнинг ер ва озодликка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилдилар. Ўқувчи ёшлар деҳқонларнинг душмани бўлган олигархия ва империализм ўзларининг ҳам душмани эканлигини яхши биладилар. «Антиохия университетига, «Хорхе Тадео» ўқув марказига, Америка университетига бостириб кирган, Эркин университетни қуршаб олган, Миллий университетни блокада қилган ҳарбийлар янки генераллари қўмондонлиги остида Маркеталия, Эдь Пато, Рио Чкито, Гуайяберо, Сантандер деҳқонлар районларига қарши ваҳшийларча операция ўтказаётган ўша кучлардир», — дейилади Колумбия коммунистик ёшлар ташкилотининг варақасида.

Шу йил ёзда колумбиялик 25 минг студент мамлакатда реакционерларнинг ўзбошимчалигига қарши норозилик белгиси сифатида миллий забастовка эълон қилди.

Қитъадаги бошқа мамлакатларда ҳам шаҳар ёшлари деҳқонларнинг кураши билан бирдамлик билдирмоқдалар.

Бразилия деҳқонлари неча йиллардан буён аграр реформа учун курашмоқдалар. Бу кураш мамлакатнинг шимоли-шарқида айниқса кенг тус олди. Бу ерда «деҳқонлар лигалари» ташкил этилди. Улар шакар қамиш плантациясида ишловчи батракларнинг ўз ҳуқуқлари учун, золим помешчикларнинг ўзбошимчалигига қарши чиқишларини уюштирдилар.

Латин Америкаси қишлоқ ёшлари орасидан талантли революцион раҳбарлар етишиб чиқмоқда, уларнинг номи ўз мамлакатларидагина эмас, чет элларда ҳам кенг оммага маълумдир.

Масалан, деҳқон фарзанди, армиянинг собиқ офицери Марко Антонио Ион Соса Гватемала партизан кучларининг бош қўмондони бўлиб етишди. Унинг ёши йигирмадан сал ортиқроқ. Аммо у ўз Ватанида шаҳар ва қишлоқларнинг революцион кайфиятдаги оммаси орасида катта обрў қозонган.

Колумбия Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Венасио Лаоиса ҳам деҳқон ёшларнинг ажойиб раҳбари эди. Уни яқинда Толима департаментида реакционерлар ваҳшийларча ўлдирдилар. Венасио ёшлигиданоқ қишлоқдаги ҳаддан ташқари ноҳақликларга дуч келди, латифундистлар туб аҳолини ерларидан ҳайдаб чиқариб, уларни очликдан ўлишга маҳкум этарди. Венасио ўн яшарлигидаёқ деҳқонларнинг революцион ҳаракатида қатнашди, йигирма ёшида партизан отрядларидан бирига раҳбарлик қила бошлади.

1963 йил 26 сентябрда помешчиклар Толима департаментида деҳқонлар ҳаракатининг 16 раҳбарини отиб ташладилар. Бу қонли жиноятга жавобан Лаоиса ва унинг ўртоқлари «26 сентябрь» партизанлар ҳаракатини ташкил этдилар. Юзлаб ёш деҳқонлар ана шу ҳаракатга қўшилди. Венасио Лаоисанинг ўлими қуролдош дўстларининг адолатли курашни ғалабагача давом эттиришга бўлган қатъиятини оширди.

Деҳқонлар ер учун кураш олиб борар эканлар, фақат маҳаллий реакционерлар билангина эмас, балки Латин Америкасида миллионлаб гектар ерни босиб олган ва бу ерларни ўз концессиясига айлантирган кучли янки монополиялари билан тўқнашмоқдалар. Қитъанинг турли мамлакатларида «нефть қироллари», «мис баронлари» ва «қанд магнатлари» жуда катта территорияларни тиканли сим билан ўраб олмоқдалар, кўплаб ерсиз деҳқонлар очлик ва қашшоқликда яшаётган бир пайтда монополиялар ана шу катта ерларни бекор ташлаб қўймоқдалар.

Анд тоғлари устида момақалдироқ тобора кучли гулдирамоқда. Қитъа деҳқонлари елкаларидан «ўз» помешчиклари ва Шимолий Америка империалистларининг бўйинтуруғини улоқтириб ташлаб, ер, нон ва озодлик оладиган кун узоқ эмас. Латин Америкаси ишчилари, интеллигенцияси ва барча прогрессив кучларининг революцион бирдамлиги деҳқонларни руҳлантирмоқда. Бутун прогрессив инсоният уларга хайрихоҳдир.

Ю. ГВОЗДЕВ,
АПН мухбири.
Рио-де-Жанейро—Москва, ноябрь.

«ПРАВДА»НИНГ РЕДАКЦИОН МАҚОЛАСИ ҲАҚИДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

«Правда» газетасининг «Барча мамлакат коммунистларининг интернационал бурчи» сарлавҳали редакцион мақоласи ҳақида чет элларда кўплаб фикрлар баён қилинмоқда. Социалистик мамлакатларнинг, АҚШ, Франция, Англия, Швеция, Финляндия, Дания, Ғарбий Германия ва бошқа мамлакатларнинг матбуоти, телеграф агентликлари, радиоси, телевидениеси мақолани тўлиқ эълон қилди ёки унинг мазмунини баён қилиб берди.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг матбуоти мақолани шарҳлаб, келишмовчиликлар борлигига қарамай, коммунистик ва бутун озодлик ҳаракати сафларини жипслаштиришга ҳаракат қилишни, ҳаракатларнинг бирлиги сиёсати асосида умумий империалистик душманга қарши қатъиян кураш олиб боришни ёқлаб чиқмоқда.

* * *

ПАРИЖ. «Юманите»: Империализмга қарши курашда масъулиятни ҳис этайлик, деган чақириқ фақат халқаро коммунистик ҳаракатда эмас, балки барча қитъалардаги ҳамма антиимпериалистик кучлар орасида ҳам шак-шубҳасиз, қудратли акс садо беради.

ПРАГА. «Руде право»: Марксчи-ленинчи партияларнинг кўпчилиги коммунистик ва бутун озодлик ҳаракати сафларини бирлаштириш ҳамда умумий империалистик душманга қарши қатъиян кураш олиб бориш учун курашмоқда. Ҳаракатлар бирлигини қўпориш сиёсати, марксчи-ленинчи партияларга ҳаддан ташқари бўҳтонлар ёғдириш йўли бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати учун зарарлидир. Бу йўл халқаро демократик ташкилотларга катта зарар етказмоқда, халқларнинг озодлик курашини ва барча антиимпериалистик кучларнинг сафларини мустаҳкамлашни қийинлаштириб қўймоқда.

БЕЛГРАД. ТАНЮГ: СССРга қарши антикоммунистик пропаганданинг энг ёмон намуналари руҳида қутуриб қилинган туҳмат ва бўҳтонларга қарамай, КПСС Марказий Комитети СССР билан ХХР ўртасида, икки партия ўртасида муносабатларни нормаллаштиришга эришмоқ учун ҳамма чораларни кўриб келди. Сўнгги бир йил мобайнида КПСС Марказий Комитети энг муҳим конкрет масалаларда бир жон-бир тан бўлиб ҳаракат қилишни, давлат йўли билан муносабатларни ривожлантиришни, кўпгина низоли проблемаларни ҳал қилишни Хитой раҳбарларига неча марталаб таклиф этди. Шу билан бирга, КПСС принциплар ҳисобидан ҳеч қачон ва ҳеч қандай ён берган эмас. КПСС коммунизм қурилишида муваффақиятларни таъминлаб бераётган ленинча йўлдан бундан буён ҳам бораверади.

СОФИЯ. «Работническо дело»: КПСС марксизм-ленинизмнинг принципиал негизида коммунистик ҳаракат ва барча революцион кучларнинг жипслиги учун изчиллик билан курашиб келди ва курашмоқда, империализмга қарши, унинг реакцион ва агрессив сиёсатига қарши, коммунизм тантанаси учун олиб борилаётган умумий кураш манфаатларини биринчи ўринга қўймоқда. (ТАСС).

ГФРДАН 800 ОЛИМ КЕТИБ ҚОЛДИ

БОНН, 29 ноябрь. (ТАСС). Сўнгги икки йил мобайнида Ғарбий Германиянинг 800 дан кўпроқ олими Германия Федератив Республикасидан Қўшма Штатларга кўчиб кетди, деб хабар беради «Рейнише пост» газетаси. Олимларнинг Германия Федератив Республикасидан чет элларга қочиб кетиши тўхтовсиз давом этаётганлигига асосий сабаб шуки, деб ёзади газета, улар Ғарбий Германия университетлари ва институтларида «Иш ва илмий фаолият шароитларидан рози эмаслар».

БУГУН — АФРИКА КУНИ. Бир вақтлар мустамлака занжири билан кишанлаб ташланган бу қитъа эндиликда мустақиллик, озодлик йўлидан бормоқда ва шу йўлда куч-ғайрат тўпламоқда. Танзания Республикаси қитъадаги мустақилликка эришган ёш давлатлардан бири. Мустамлака занжирларидан қутулган Танзаниянинг халқи ҳаётида қандай ўзгаришлар юз бераётганини ушбу суратимиз ҳам яққол кўрсатиб турибди. Мамлакатнинг миллий кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалик механизаторлари тайёрлаш курсларига йигит ва қизлар ўқимоқдалар. Сиз суратда кўриб турган бу қиз трактор ҳайдашни тайёрлаш курсини битириб чиқди. Энди у қудратли машиналарни бемалол бошқара олади.

Африкадаги мустақил давлатлар ана шундай миллий ўзликларини намоён қилмоқдалар. Лекин ҳали қитъада занжирдан қутулмаган халқлар бор. Португалия мустамлакачилари Африкадаги мустамлакаларда ҳамон хўжайинлик қилмоқдалар. Жанубий Африка республикаси ирқчилари африкаликларни шафқатсиз эксплуатация қилмоқдалар. Жанубий Родезияда бир тўда келгиндилар туб аҳолининг ҳуқуқларини поймол қилиб «мустақиллик» эълон қилдилар. Африка халқлари, бутун прогрессив инсоният Жанубий Родезиядаги халқларга чинакам мустақиллик берилишини қатъий талаб қилмоқдалар. Бугун, Африка кунида бу талаб янада кучлироқ жаранглайди.

(ТАСС фотохроникаси).

ЖУРНАЛИСТЛАР ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРМОҚДАЛАР

Тошкентда саноат-иқтисодий темаларда ёзувчи журналистларнинг республика семинари уч кун давом этди.

Республика, область, шаҳар ва бир қанча кўп тиражли газета редакцияларининг ходимлари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан циклли лекциялар тингладилар. Лекцияларни олимлар, саноат мутахассислари, партия ходимлари ўқишди.

Семинар машғулотларидан бири «Ташсельмаш» заводида ўтказилди. Семинар қатнашчилари иқтисодий темаларни матбуотда ёритиш тажрибасини ўртоқлашдилар. (ЎзТАГ).

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 3 декабрда чиқади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

1 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар

6.15 — Концерт, 6.45 — Гимнастика, 7.35 — Эшиттиришлар программаси, 8.25 — Ўзбек халқ куйлари.

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Правда Востока», 9.53 — «Ҳақиқати Ўзбекистон», 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Кичик концерт, 10.10 — Рус куйлари, 10.30 — Концерт, 11.10 — Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг 20 йиллиги (ўзб.), 11.25 — Чолғу куйлари, 13.00 — Чорвадорлар учун, 13.40 — Белоруссия эстрада оркестри, 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, 16.15 — «Бернара Қориева рақслари», 17.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 18.10 — С. Туликов қўшиқлари, 18.30 — Адабий-музикали композиция, 19.20 — Қозоқ куйлари, 20.00 — «Катта юксалиш йили» (рус.), 20.10 — Эстрада концерти, 20.45 — «КПСС МК сентябрь Пленумининг қарорлари — ҳаётга», 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, 22.00 — Коммунистик аҳлоқ ва тарбия, 22.15 — Концерт, 22.40 — С. Зуннунова, «Қўллар», 23.10 — Эртаги кун эшиттиришлари, 23.20 — КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақа илғорлари талабига мувофиқ концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

1 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар.** 18.20 — **Юлдузча тележурнали.** 19.00 — **Хотира изидан** (телефильм), 19.10 — **Жаҳон халқлари куйлари,** 19.50 — **Мени тирик деб билинглар** (телефильм), 20.00 — **Инсон ва унинг дунёқараши.**

20.20 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 20.25 — **Кўҳна Термиз архитектураси ҳақида,** 21.05 — **Телевизион янгиликлар,** 21.20 — **Реклама ва эълонлар,** 21.30 — **Биринчи қор** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Мактабда музика янграганда** (мактаб ўқувчилари учун), 18.35 — **Тошкент янгиликлари,** 18.45 — **Қайсар қизнинг ром бўлиши** (операдан кўринишлар), 19.20 — **Катта дурдона** (телеспектакль), 20.10 — **Тоғлар садоси** (телефильм).

Ўзбек тилида: 20.30 — **Тошкент янгиликлари,** 20.40 — **Қора чайка** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/XII да **Чио-Чио-Сан,** 2/XII да **Масхарабозлар ва Концерт бўлими.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—1/XII да **Гамлет,** 2/XII да **Биринчи муҳаббат.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/XII да **Нурхон,** 2/XII да **Ўғил уйлантириш.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Юность» цирк коллективи, қизиқчилар группаси ва совет цирки усталарининг гастроли.** Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
3, 4 декабрда
ҲИНДИСТОН
МАНИПУРА РАҚС ТРУППАСИНИНГ
концертлари

Труппа раҳбари — **Сингхайит.**

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар Концерт зали кассасида кундуз соат 3 дан ва район кассаларида кундуз 12 дан сотилади.

УЗБЕКИСТОН ССР ТЕРРИТОРИЯСИДА ЯШОВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ БОШ БОШҚАРМАСИ

шахсий мулкида

иморат
ва ҳайвонлари

БУЛГАН ГРАЖДАНЛАРГА БИЛДИРАДИКИ,

иморат ва ҳайвонларнинг мажбурий окладли страхованиеси бўйича

СТРАХОВАНИЕ ТУЛОВЛАРИНИ ТОПШИРИШНИНГ ОХИРГИ МУДДАТИ

1965 йил 1 сентябрда тугади.

Қонунга мувофиқ, муддатида топширилмаган страхование тўловлари боқимондага айланади ва кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.1 процент миқдорида пени пули ҳисоблаб борилади.

Страхование тўловлари юзасидан қарзи бўлган граждандар уни дарҳол топширишлари лозим.

Страхование тўловлари қуйидаги жойларга топширилади:

қишлоқ жойларида — меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Советларига;

шаҳар жойларида — Госстрахнинг СССР Давлат банки муассасаларидаги счётларига, омонат кассаларига, Госстрах инспекциялари инспекторларига ва агентларига.

Узбекистон ССР Давлат страхование Бош бошқармаси.

1965 йил 11 декабрь эрталаб соат 11 да. В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ҳузуридаги педагогика фанлари юзасидан илмий даражалар бериш бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Тарас Шевченко кўчаси, 20-уй)

А. И. Сембоев — педагогика фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун «Қозоғистонда совет мактабининг ривожланиш тарихи» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

Р. Х. Аъзамова ва М. Қодиров
ДИССЕРТАЦИЯЛАРИНИ ЁҚЛАШ
(газетанинг 21/XI сонини қаранг)
16 декабрь кундуз соат 2 га кўчирилди.

«Ўзбекистон» нашриёти коллективи бош редактор Т. Рустамовга онаси
Нусрат
РУСТАМОВАНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот давлат комитети коллективи ва Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси «Ўзбекистон» нашриётининг бош редактори, СССР Журналистлар союзи аъзоси Т. Р. Рустамовга онаси
Нусрат
РУСТАМОВАНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудирлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари Ишлар мудирлиги референти И. Олимовга ва оиласига отаси
Олим
ОДИЛХОНОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдирадилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ 281. ИНДЕКС 64543. Р. 01383